

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
Тошкент архитектура – қурилиш институти

Қўлёзма асосида

Жуманазарова М.

«Хива саройлари меъморлиги»

**Йўналиш: 5А 580102 – «Архитектура назарияси ва тарихи,
архитектура ёдгорликларини тиклаш»**

ДИССЕРТАЦИЯ

Архитектура магистри номизодини ёклаш учун

**Диссертация кўриб чиқилди ва
химояга қўйилди.**

Илмий рахбар Рейимбаев Ш.

№ _____ 2011 й.

**«Архитектура тарихи ва
назарияси» кафедраси мудири
_____ доц. О.М.Салимов.**

Тошкент 2011 й.

ХИВА САРОЙЛАРИ МЕЪМОРЛИГИ

Мундарижа

Режа:

СЎЗ БОШИ.....

I – боб. Хоразм саройлари меъморчилигининг ривожланиш жараёни (қадимдан III асргача).

1.1. Қалъали қир мл. ав. IV

1.2. Тупроқ қалъа III аср. (шаҳар, сарой, навкарлар зали).....

1.3. VII-X асрлар феодал қалъа-қўшқлари. Якка Парсон қўшқи ва

Қават қалъа.

I – боб бўйича хулоса.....

II – боб. Арклар таркибидаги саройлар меъморчилиги (XVIII - XX аср боши).....

2.1 Кўҳна Арк саройи

2.2. Тош ҳовли (тазр, тарх, қирқимлар).....

II - боб бўйича хулоса.....

III – боб. Дала саройлари. (XVIII - XX аср боши).....

3.1. Нурилла бой саройи (тарзлар, қирқимлар).....

3.2. Қибла тоза боғ (тарх, тарз, қирқим, фото).....

3.3. Чодра ҳовли (тарз, қирқим, фото).....

III – боб бўйича хулоса.....

ХУЛОСА.....

АДАБИЁТЛАР:.....

ИЛЛЮСТРАЦИЯЛАР.....

СЎЗ БОШИ


Архитектура доимо ўтмиш билан узлуксиз боғлиқ ҳолда янгиланаверади

Хоразм - Ўзбекистон шимолидаги экин майдонларига эга бўлган қадимий оазис. Қадимий Хоразм давлатининг тараққиёти неолит давридан бошланиб (мил. аввалги IV-III минг йилликлар бошлари) феодализм даврининг энг гуллаган давригача келган. Оазисда шаҳар маданиятини ривожлантиришда ўз хиссасини қўшувчи ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ривожланган. Хоразмликлар тўғрисида бизгача Авестода ёзилган манбалардан етиб келган ва давлат номи «HVAIRIZEM» деб юритилган. Хоразмликлар ҳақида Бехистун ёзувларида ҳам Доро ҳукумронлиги ҳаётидаги вилоятлар тўғрисида маълумотлар кўрсатилган (мил. ав. 521-425 йиллар). Гегатий Милет Хоразм шаҳри ва Хоразм аҳолиси Парфиянинг шарқида жойлашган. Давлат ясси текислик ва тоғликлардан иборат дейди. Герадот эса Парфияликлар, судлар, хоразмликлар ва арияликларнинг келиб чиқиши бир деб маълумот берган.

С.П.Толстов бошчилигидаги хоразм археология экспедицияси натижаларига кўра бу тахминлар асосланди. Хоразм халқи омоч ҳайдаб ер хўжалиги билан шуғулланган даври II минг йилликларнинг иккинчи ярмига тўғри келади. Бу сана Хоразм мутафаккир олими Абу Райхон Беруний тарафидан ҳам такидланган.

Хоразм экин майдонларини ўзлаштиришни фақат Ўрта Осиёнинг энг катта дарёси Амударё сувидан (қадим. Окс, Жайхун) сунъий суғориш йўли билангина бажара олган.

У жойларда Туямуйин чўққисидан тушган сувлар кўлга айланган ва шу жойдаги сувнинг кўпайиши, оқимнинг кучлилигига қараб бутанага айланган. Сув ўзанининг кенгайиши туфайли лой бутана чўка бошлаб, ер қота бошлайди ва сув ўзани узоқлашиб боради, шу ерларда Хоразм давлати пайдо бўлади. V аср ярмида Ўрта Осиёда Қушон давлатини эфталитлар хонлиги, яъни янги давлат бирлашмаси ташкил топади. Эфталитлар ҳам ўз дарида қушонларга ўхшаб Эрон давлати билан жанглар олиб боришган. Шу даврда феодализмга ўтиш сабаблари келиб чиқа бошлади. Кўрсатилишича кўпгина эски шаҳарлар



Хива харитаси

таркалиб, баъзи бир турар жойлар ва қасрлар мустаҳкамланган. Олтойда жойлашган турк хоконлиги билан бу улкан ва тарқоқ давлат албатта тўқнашиши лозим эди. 563-567 йй. турк хоконлиги эфтолитлар билин ғарбда тўқнашиб уларни забт этишди. Вужудга келган турк хоконлиги жуда кучли эдики, хатто Эрон ва Византия ҳам улар билан дўстона муносабатда бўлишга ҳаракат қилишган. Лекин ўзаро тушунмовчиликлар Турк хоконлигини иккига бўлиб юборади. 600-608 йй. хоконлик Шаркий ва Ғарбий хоконликларга бўлинади (Шарқийга Ўрта Осиё киради). Бу даврда Хоразм ўз мустақил сиёсатига эга эди. Охирги инқирозни VII-VIII асрларда Ўрта Осиёни босиб олган араб истилочилари олиб келди. V-VIII асрларда Ўрта Осиёнинг бошқа вилоятлари каби Хоразм ҳам феодал тизмига ўта бошлайди. Феодализм жуда

шиддат билан авж олган эдики, унга қарши худди шундай кучли қаршиликлар ҳам вужудга келди. Бу борада янгича қурилишлар пайдо бўлди. Ҳар-хил бино ва қурилмалар ўрнини катта ва бақувват деворларга эга бўлган қасрлар эгаллади. Уша давр феодал тизими Бургутқалъа мажмуасида ўз ифодасини топган. Оазис майдонида бир неча катта қишлоқ бирлашмалари жойлашган. Катта ховлиларда ижтимоий ва иқтисодий ҳаётда ўз хиссасини қушган катта оилалар яшашган. Дехқонлар ва катта ер эгалари сув тақсимлаш ҳуқуқига эга бўлишган ва улар суғориладиган ерлар устидан энг асосий ҳуқумдор бўлишган.

Хоразм тарихида иқтисод ва маданият юксалиб, гуллаб-яшнаган даврлар билан бир қаторда, бир қанча фожиаи ҳодисалар ҳам содир бўлган – ҳаммаёқни вайронага айлантирган урушлар, қурғоқчиликлар, очарчиликлар, турли юқумли касалликлар тарқалган эпидемиялар бир вақтлар гуллаб-яшнаб турган шаҳарлар ва қишлоқларни кимсасиз саҳро, чўлу биёбонларга ва ҳаробазорларга айлантирилган.

Арабларнинг Марказий Осиёга бостириб келиши ўлканинг маданий ҳаётига, айниқса, зарарли таъсир кўрсатди. Босқинчилар маҳаллий халқ маданий ёдгорликларни барбод қилиш билан кифояланмасдан, хат-саводи бўлган кишиларни ҳам, одамларга илм-фан тарқатувчи зиёлиларни ҳам, хоразмликларнинг расм-русумлари ва одатларини яхши биладиган кишиларни ҳам таъқиб этиб, уларнинг кўпларини қириб ташлайдилар. Арабларнинг йўлболшчиси бўлган Қутайба ибн Муслим “Хоразмлик ҳаттотларни қиличдан ўтказди, руҳонийларни ўлдиради ҳамда уларнинг китоблари ва қўлёзмаларини ёндириб ташлайди”. Абу Райҳон Берунийнинг алам билан битилган бу сатрлари ўтмишда нақадар катта мислсиз йўқотишлар бўлганлигидан гувоҳлик беради.

Лекин Хоразм халқи барибир ўз ҳаётини, ўз шаҳарларини қайтадан тиклаш учун ўзида куч ғайрат топа олди. Босқинчилар зулмидан, айниқса кўп азият чеккан ўша пойтахт шаҳар бўлган Урганч, бу воқеаларни ўз кўзи билан кўрган араб сайёҳи Ибн Батутанинг гувоҳлик беришича, орадан 100 йил ўтгандан кейин мамлакатнинг аҳоли зич жойлашган маданий, иқтисодий марказига айланади.

Х-ХІ асрлар – Хоразмнинг тикланиш, уйғониш давридир, бу илм-фан соҳасида оламга донғи кетган алломалар Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад ибн Аҳмад (973-1048), Европада Авиценна номи билан машҳур бўлган Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино (980-1037) яшаган даврдир. Шох Абдул Аббос Маъмун ибн Маъмун саройида ўша замоннинг энг йирик олимлари тўпланган бўлиб, улар тарихда машҳур “Маъмун Академияси”ни ташкил этган эдилар. Унда Беруний ва Ибн Синодан ташқари мутаржим ва файласуф Абул Хайр Хаммар, шоир ва адабиётшунос Абу Мансур ас-Саолибий, Берунийнинг устози – файласуф Абу Саҳл ал-Масоҳий, мунажжим ва математик Абу Наср Мансур ибн Ироқ ва бошқалар фаолият кўрсатганлар.

Беруний давридаги Хоразм тарихида мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан тез ривожланганини, шаҳарлар сони ортганини, шаҳарсозлик ва меъморчилик ривожланганини кузатиш мумкин. Тарихий манбаларда Амударёнинг қуйи ҳавзасида жойлашган 30 дан зиёд шаҳарларнинг номлари келтирилади. Мана шу қадимги шаҳарлар ичида, афтидан, фақат Хива шаҳригина, бошқа шаҳарлардан фарқли ўлароқ, барча синовларга бардош бериб яшаб келмоқда.

Мақдисийнинг (X аср) Беруний давридаги шаҳар тўғрисида ёзган қуйидаги сўзлари диққатга сазовордир: “Хива саҳронинг бир чеккасида жойлашган катта шаҳар, у дарёдан очиб келинган каналга эга, унда мухташам жоме масжиди ҳам мавжуд”.

Шаҳар саҳрога яқин жойлашган бўлиб, унинг ёнгинасида катта Ҳайқоник канали ўтган. Ушбу канал ҳозир Полванарик номи билан машҳур. XIX асрдаги Хива солномаларида Ҳайқоник сўзи Ҳайвоник деб бузиб ёзилган.¹ Ҳайқоник архаик сўз булиб, қандай маънони англатиши халқ орасида аллақачон унут бўлиб кетган.

Афтидан, Ҳайқоник каналининг номи билан Хива (Хева) шаҳри номлари ўртасида қандайдир этимологик алоқа мавжуд бўлса керак. Нега десангиз, Ҳайқоник – Ҳайвоник – Ҳейвон – Хева – Хива деган сўзларга қараб, уларнинг

¹ “Зоҳидов П.Ш., Аванесов Р.Х. Хива. Тошкент – 1994 й. (39 бетга қара)

тарихий негизи бир эканлигини кўрамиз. Жуда қадимги афсоналардан бирида таъкидланишича, шаҳарнинг асос солинган вақти тарих солномалари ёзилмасдан илгариги, кўхна замонларга бориб тақалади, гўё Нух пайғамбарининг ўғли Сом уни қалъа-шаҳар сифатида бунёд этган эмиш. Шаҳар қурувчилари чанқаганларидан кейин бир чуқур қудуқ қазийдилар. У қудуқдан чиққан сув жуда хуштаъм бўлади. Уни ичган кўчмачилар: “Ҳей-воҳ”, - деб юборишган эмиш. Ривоят қилишларича, шаҳарнинг номи гўё мана шу ҳаяжонли сўзлардан келиб чиққан эмиш. Шаҳарнинг қадимги қисмида ўша эски замонлардан қолга чуқур қудуқни ҳозир ҳам кўрсатишади.

Арабларнинг X асрга оид жуғрофий асарларидан Хива Урганч билан Марв ўртасидаги карвон йўлида жойлашган муҳим аҳоли яшайдиган пунктларидан бири бўлганлиги маълум. Уларда Хива X асрдаёқ шаклланган шаҳар сифатида мавжуд бўлганлиги айтилади. Археологик қазилмалар натижасида олинган маълумотлар шаҳарнинг бундан ҳам қадимги тарихи тўғрисида ҳикоя қилади: ўрта асрларнинг охирларига оид бўлган қалъа девори остидан антик даврга тааллуқли бўлган иншоотларнинг қолдиқлари топилган. Бу материаллар шаҳар ёшини яна 1000 йилча уни тарих қаърига олиб киради.

Жаҳонга алгебра (алжабр) ва алгоритм (алхоразм-алгоритм) фанини яратиб берган буюк математик, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (780-850), қомусий олим Абу Райҳон Беруний, тиббиёт оламида машҳур олим Абу Али ибн Сино ва бошқа фан ва маданият арбоблари, Ўрта Осиёнинг машҳур алломалари бу шаҳарда бир неча бор бўлганликлари эҳтимолдан узоқ эмас.

Муғуллар босқинидан биров олдин Хоразмнинг кўпгина шаҳарларида бўлган ўрта аср сайёҳларидан бири қуйидагиларни ёзиб қолдирган: “Мен ер юзида Хоразм еридан кўра кенгроқ текисликлар ва бу ердан кўра одамлар гавжумроқ бўлган жой бўлмаса керак, деб ўйлайман. Энг муҳими, аҳоли оғир меҳнатга ўрганган ва оз нарсага қаноат қилади. Хоразмнинг кўпгина қишлоқлари шаҳар кўринишида бўлиб, уларда бозорлар, ҳаёт учун зарур захиралар ва дўкончалар мавжуд. Камдан-кам қишлоқда бозор йўқ. Халқнинг

умумий осойишталиги таъминланган ва у хотиржам кун кечиради... Мен Хоразмнинг асосий шаҳарига ўхшаган, жуда кўп аҳоли яшайдиган, бу қадар бой ва улуғвор пойтахт шаҳар дунёнинг бошқа ҳеч ерида бўлмаса керак, деб ўйлайман...”

Орадан кўп ўтмай Чингизхон қўшинларининг босқинчили натижасида Хоразм вайрон қилинади, лекин ўшанда ҳам Хива жасур кишилар қалъасига айланади. Шаҳар ҳимоячилари дафн этилган жой устига мақбара қурилган.

Хива давр синовидан ўтган. Ундаги биноларни янгилаш зарурати ўз умрини ўтаб бўлган, кераксиз эски иморатларнинг барчасини бузиб ташлашни тақозо этар эди. Шунинг учун ҳам ҳозирги Хивадаги иморатларнинг кўпчилиги XVII-XIX асрларга оид бўлиб, ундан аввалги иншоотлар ер остида, маданий қатламлар бағрида қолиб кетган.

Хива фақат 1556 йилдан бошлаб – Дўстхон ибн Бўжи ҳукумронлик қилган даврда Хоразм давлатининг пойтахтига айланади. Лекин пойтахт шаҳар сифатида унинг раванқ топиши Араб Муҳаммадхон (1602-1623) ҳукумронлик қилган даврга тўғри келади. Худди шу даврда кенг миқёсда монументал иншоотлар қурилади.

Ўша йиллардаги тарихий ёдгорликлар орасида Араб Муҳаммадхон мадрасаси (1616 й.), жоме масжиди ва Анушахон ҳаммоми, айниқса, машҳурдир.

XVIII асрнинг биринчи ярмида мамлакатда юз берган иқтисодий ва сиёсий бўронлар ҳокимиятнинг тез-тез ўзгариб туриши “хон ўйинлари” (“хонбози”) деб аталган давр билан боғлиқ бўлиб, бутун Хоразм ҳаётига салбий таъсир кўрсатади. 1740 йилда Эрон қўшинлари томонидан Хоразмнинг босиб олинishi эса мамлакатни бутунлай вайрон қилади.

1770 йилга келиб Муҳаммад Амин Иноқ ўзаро уруш-жанжалларга чек қўйиб, Хоразм ерларини бирлаштиришга эришади. Ўша пайтдан эътиборан “янги Хивага асос солиш бошланган” (В.В.Бартольд). XIX аср маданий ҳаёт юксалган давр бўлиб, қурилишлар авж олади ва халқ ҳунармандчилиги ривожланади.

Босқинчиларнинг Хуросонга навбатдаги хужумидан кейин жанубий районларнинг 20 минг аҳолиси зўрлик билан Хоразмга кўчирилади. Бу эса 1842 йилда Муҳаммад Ёқуб Мухтор раҳбарлиги остида 30 кун ичида Хива теварагида узунлиги 6 км бўлган янги қалъа деворини ва унинг 10 та дарвозасини қуриб битириш имконини берди. Ўшанда шаҳар атрофидаги боғлардан учтаси – Рафониқ, Нуриллабой ва Нуриллабек боғлари шаҳар таркибига киради. Ўша-ўша шаҳарнинг катта халқа ичидаги қисми Дишон қалъа (ташқи қалъа) номи билан машҳурдир. Шаҳар бунёдкорлари шарафига ўша кезларда қасидалар битилган. Асли хивалик бўлган шоир ва тарихчи олим Муҳаммад Ризо Огаҳий (1809-1874) қалъа девори қурилган йилни шеърга солиб: “Хисори хуш бино”, деб ёзган, яъни бу – абжад ҳисоби билан ушбу иншоот 1258 ҳижрий йилда (янги ҳисобда – 1842 йилда) қурилган, деган маънони англатади.

Хоразм моддий маданиятнинг ёдгорликларида ҳам меъморчилик анъаналари ва халқ санъати қадимий эканлигини кўрамыз.

Хива Хоразм тарихида алоҳида ўрин тутди ва у шаҳарнинг донғини дунёга таратган ўз фарзандлари билан ҳақли равишда фахрланади. Тарихда “Хивақий” таҳаллусли кўпгина кишилар маълумдир.

Хоразм шоҳларидан Маъмун (XIII аср) саройида яшаган Шаҳобиддин Хивақий ўз маблағига бебаҳо кутубхона қурдиради. Тарихчи Насафийнинг гувоҳлик беришича, бунга ўхшаш кутубхона “илгари ҳам бўлмаган, бундан кейин ҳам бўлиши эҳтимолдан йироқ”. Мўғиллар босқинидан кейинги даврда Хоразмдан узоқ яшаган машҳур файласуф шоир Паҳлавон Маҳмуд жуда зўр жисмоний кучга эга бўлган курашчи полвон бўлган, у оддий мўйнадўзлик-пўстинчилик касби билан тирикчилик қилган. Ривоятларга қараганда, Паҳлавон Маҳмуд Ҳиндистонга сафар қилганида мазкур мамлакат ҳукумдорини бир ўлимдан сақлаб қолган. Миннатдор ҳукумдор унга катта мукофотлар инъом этмоқчи бўлган, лекин шоир олтин ва жавоҳирларни рад қилган, у бунинг ўрнига хоразмлик асирларни бандиликдан озод қилишни сўраган.

Хоразм ҳукумдорларидан бири Абдулғози Баҳодирхон (1603-1664) шарқшуносликда ғоят қимматли бўлган “Шажараи турк” ва “Шажараи тарокима” асарларининг муаллифи сифатида машҳурдир. Хоразмда бўлган ва Хива хони саройида меҳмон бўлган шарқшунос олим А.Вамбери Абулғозининг хизматларига юкса баҳо берган: “Унинг “Шажараи турк” тарихий асари учун дунё ундан миннатдордир”.

Шермуҳаммад мироб халқ орасида Мунис Хоразмий таҳаллуси билан машҳур бўлган шоирдир (1778-1829). У “Фирдавсул иқбол” (“Саодат боғи”) асарида Хоразм тарихини ёзиб қолдирган. Мунис вафотидан кейин унинг бу улкан ишини поёнига етказиш шоирнинг Муҳаммад Ризо Огоҳийга насиб этди. Академик Бартольднинг фикрича, “ушбу асар воқеалар муфассал баён этилиши ҳамда фактли материаллар кўплиги жиҳатидан Бухоро ва Қўқон хонликларининг тарихи бўйича бизгача етиб келган барча асарлардан анча устун туради”.

Машҳур шоирлар Мунис ва Огоҳий ёзиб қолдирган йилномада йирик меъморий обидалар ҳақида, уларнинг меъморлари ва яратилган вақти тўғрисида қимматли маълумотлар келтирилган. Масалан, Элтузар хон (1804-1806) даврида мавжуд бўлган сарой қаршисига яна бир бино-девонхона қурилган. Шунингдек, меъмор Одина Хазораспий монументал обидалар бунёд этган, 1810 йилда Сирчали канали устига тошкўприк қурган.

XX асрнинг бошларида Хоразм инқилобий воқеалар таъсиридан четда қолмади. Шаҳар “мачитлар” – “қавмлар” деб аталган 65 та маъмурий-худудий бирликлардан иборат бўлган. Хива оддий туман маркази тарзида кўп йиллардан бери машҳур меъморий ёдгорликлар, халқ санъати бой бўлган музей-шаҳар сифатида халқ диққатини тортиб келган.

Давлат ичкарисидаги ва ташқи халқаро савдо-сотиқнинг ривожланиши туфайли, XX асрда давлат марказининг Шарк дарвозаси тарафига кўчишига сабаб бўлади. Кейинчалик бу жой майдонга айланди шунинг учун Қутлуғмурод мадрасаси, Оллоқулхон қасри, Оқ ховли Оқ масжид фасадлари шу майдонга қаратилган (1830-1838 й.й.).

1835 йилда шаҳарнинг шарқ майдонидаги қурилишини тугаллаш учун қарвонсарой ва ёпик бозор қуриб тугатилди. Қарвонсарой қурилиши учун Оллоқулихон Қалъа деворини бузишга фармон беради. Ичан қалъада майдон етишмовчилиги сабобли қарвонсаройнинг кўп қисми Дишан қалъада жойлашган. Унинг асосий фасадига манументал тим қурилган. Бу икки қурилма бир бутун ансамблни ташкил этиб, узида савдо ва меҳмонхоналар билан бирга кўча ўтиш қисмини ўз ичига олган ҳолда Хивадаги ягона, ўзига хос мажмуадир.

1842 йилда Дишан қалъа майдонида Сайид шолиқорбой минорали масжид - мадрасаси қурилди. Ота дарвоза билан тугаган ғарбий тарафдаги қалъа бўйлаб бир неча мажмуалар ташкил топди. Кўплаб бошқа қалъалар қатори Хива ҳам шаҳристон территориясида эксцентрик жойлашган бўлиб, Кўҳна аркнинг ғарбий деворларига қўшилиб кетган.

XX аср бошлари 1910 йилда Ичан қалъани яқинловчи қисми шаҳар рамзи сифатида Ислом Хожи мадрасаси қурилди. Мадраса ва миноралар декорида меъморчилик мактаби каламтасвир усули ва анъаналари яққол қурилиб турибди. Бу ўзига хос мактаб на фақат манументал архитектурада, балки турар жой бинолари ва маҳаллий масжидларда ҳам узгармаган ҳолда қулланилган. Масжид ва турар жой бинолари айвонлари қошларига, устунлари, эшикларига назик уймақорлик йули билан безак берган, купинча номаълум усталарга тасаннолар бўлсин. Лойихалашнинг ҳамоҳанглиги, қуркамлиги ва турар жой қурилишнинг қуқирралиги манументал иншоотларга асос бўлиб хизмат қилади ва халқ санъати дурдонаси ҳисобланади.

Ичан қалъа комплексида Ўрта Осиё XVIII-XIX аср шаҳарларининг қурилиши сақланиб қолган. Бу ансамбл бир бутунликни ташкил этиб, бу ерда ҳар-хил йўналишдаги усталарнинг бажарган ишлари мужассамланган. Шаҳарнинг тор танқис кучалари ва деворлари орадиғига мослашган ҳолда, эски ва янги услубларни қўллаб улар қутилмаган ва ёрқин натижаларга эришишди. Дишан қалъа қурилиши шароитида эса ҳудди шу усталарнинг ижоди бошқача қўрилишга эга бўлди. Хон саройининг архитектураси унинг бой қўрилишга эга бўлган боғлари, дарахтзорлар, гулзорларида кенг қўламли имкониятга эга

бўлган ҳолда ховлили саройлар яратилди, Боғлар орасида жойлашган мажмуалар лойиҳасини яратишда майдоннинг кенглиги туфайли эркин жойлаштирилган (Муҳаммад Раҳимхон 1, Нурилла бой, Асфандйёрхон саройлари).

Хива ва жанубий Хоразм архитектураси кудратли маданий уринда гуллаб яшнади, булар ичида қушон Тупрок қалъаси ва ўрта аср Гурганжини мисол келтирамиз.

XVIII-XIX асрлардаги Ичанкала архитектураси меъморий обидаларида анъанавий халқ санъати намуналари акс эттирилган. Бунда Хоразмлик меъморларнинг кўп асрлик тажрибалари кичик музей шаҳар майдонида мужассамланган.

Мавзунинг долзарблиги шуки, Хоразм меъморчилик тарихи кўп маротаба, қайта-қайта мурожаат қилинган, етарлича ўрганилган соҳа. Кўплаб муаллифларнинг асарларида саройлар меъморчилигига тегишли бўлган айримгина гаплар учраса ҳамки, бу турдаги иншоотлар кам тадқиқ этилган. Айнан қадимги Хоразм, хусусан қадимги Хива ёдгорликлари, қалъалар, улардаги саройлар, кейинги даврлардаги саройларнинг ўзига хос хусусиятларини атрофлича, олдинги бажарилган ишлардан фарқли, айри ҳолда ўрганиб чиқиш, уларни Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарларидаги саройлар билан таққослаш ушбу мавзудаги диссертация ишининг асосий мақсади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қадимги Хоразм қалъалар саройлари олимларимиз томонидан ҳам ўрганилган. Жумладан, С.П. Толстов қадимги Хоразм ҳудудида археологик экспедициялар ўтказиб, қалъалар тарихида номаълум бўлган маълумотларни ўрганган.

Я. Ғуломов Хоразм давлатининг суғориш тармоқларининг ривожланиши, тараққий этишини тор маънода асослаб берган.

М.Маметбулаев археологик изланишлар натижасида Хоразм маданияти ва шаҳарларнинг тарихий қатламлари тўғрисида қимматли маълумотларни кенг оммага ўз асарлари орқали етказган.

И. Жабборов Хоразм шаҳарларининг пайдо бўлиш тарихини ўрганиб, бир-бирлари билан таққослаган.

Г.А. Пугаченкова Жомбос қалъа, Анқа қалъа, Тупроқ қалъа, Қўй қирилган қалъа шаҳарларининг меъморлигидаги деворий суъратлар, Хоразм маданияти бўйича кўп изланишлар олиб борган ва бу борада санъатшунослик илмига ўз фикрлари билан кўп хисса қўшган.

В.А. Булатова Ўзбекистон тарихий шаҳарларини ўрганиш билан бир қаторда Амударё қуйи оқимидаги шаҳарларнинг тарихий топографияларига асосланиб, тарихий ривожланишни ва шаҳарлар маданиятини ўрганган /9/.

Л.Ю. Манковская Хоразм меъморлиги санъатининг ўзига хос жихатларини ёритиб берган.

П.Ш. Зоҳидов Хоразм меъморий ёдгорликларининг геометрик мутаносибликларини, нақшларнинг тузилишини таҳлил қилган.

Ишнинг мақсади ҳозирги кунгача сақланиб қолган қадимги Хива ёдгорликлари, хусусан қалъалар, арklar, улардаги саройлар меъморчилигининг ўзига хос кўринишларини очиб бериш, баъзи қалъалар, жумладан Тупроқ қалъа реконструкция лойиҳасини таклиф қилиш.

Тадқиқот предмети. Ҳажми ва чегаралари. Ўзбекистоннинг Хоразм вилояти Хива меъморий ёдгорликлари- қалъалари, арklar, улар таркибидаги саройлар, кўшklar, дала саройлари.

Тадқиқотнинг услуби ўз ичига амалий текширувлар, амалий текширувлар натижасида олинган қийматли таҳлил қилиш, шу муаммога бағишланган адабий манбаъларни ўрганиш, архив, график манбаъларни таҳлил қилиш, бевосита кузатув ишларини олиб бориш ва фотографик маълумотлар тўплаш.

Ишнинг янгилиги. Хива шаҳридаги саройларнинг типологик ечимларини аниқлаш, бошқа шаҳарлар саройлари билан таққослаш.

Ишнинг амалий ва назарий қиймати. Хива саройларининг таҳлили натижасида уларнинг типологик ечимларини аниқлаш ва кенг оммага етказиш.

Ҳимоя предмети. Хоразм саройларнинг ривожланиш жараёнлари, Хива саройларининг типологик ечимлари, камчиликлари ва асосий меъморий жиҳатлари бўйича таклифлар ва тавсиялар ҳимоя қилинади.

I – боб.

Хоразм саройлари меъморчилигининг ривожланиш жараёни (қадимдан-III асргача).

1.1. Қалъали қир (м.авв. У1-У асрлар)

Биз биламизки, замонавий Европа фани олдида фақат Ўрта Осиёгина ўзининг қадим ўтмиши ҳақида деярли ёзма маълумотларсиз гавдаланмайди. Агар классик Шарқ тарихи илмий тадқиқотининг биринчи тамал тошлари қўйилган вақтга, XIX аср бошларига мурожаат қилсак, қадимги Миср, Вавилония, Ассирия, Персия тарихи XX асрдаги Ўрта Осиё тарихидан яхшироқ маълум бўлмаганлигини кўрамиз. Библия, Геродот, Деодор Сицилийский ва тўлиқлиги жиҳатидан ал Беруний эсдаликларидан унча фарқланмайдиган мисрлик фан фидойиси Манефоннинг ҳамда вавилонлик Берознинг тарихий кундаликлари- мана, ўша вақтда фанга маълум бўлгани.

Лекин кейинги даврларда Хоразм археология экспедициясининг шарофати билан фанга ўша давр ҳаёт тарзи, анъаналари, ҳунармандчилиги, маданияти, қолаверса қурилиши ва меъморчилиги ҳақида маълумотлар тақдим этилди.

Архитектура доимо ўтмиш билан узлуксиз боғлиқ ҳолда янгиланаверади. Ўтмиш тажрибалари бўлғуси меъморлар авлодлари томонидан ўзлаштирилиб, узлуксиз равишда бойитиб борилди, кенг тарзда фойдаланилади. Хоразмнинг ҳозирги давр архитектурасида ҳам ўтган аср усталари қўллаган лойиҳалаш тамойиллари намоён бўлиб келмоқда.

1928-1929 йилларда хоразмшоҳлар ўрта асрлар пойтахти- Урганч ҳаробалари ҳудудида (ҳозирда Туркменистоннинг Тошовуз вилоятидаги Кўҳна-Ургенч шаҳарчаси) меъморий ёдгорликларнинг Урганч комплексининг биринчи илмий тавсифини ва яқин жойда жойлашган эртанги ўрта асрлар шаҳри Миздахқон ҳаробалари – ҳозирда Хўжайли яқинидаги Гаур қалъа ҳаробалари ҳақида маълумотларини берган А.Ю.Якубовский экспедицияси ишлаган.

1934 йилда Туркменистоннинг Тошовуз вилоятида, ўрта асрлар Замахшари харобаларида М.В.Воеводский экспедицияси ишлаган.

Аммо иккала экспедиция ҳам бу ёдгорликларнинг фақат ўрта асрлар қатламларинигина очганлар. Қадимги, мусулмончиликкача бўлган даврдаги Хоразмга биринчи бўлиб тошкентлик археологлар Я.Ғуломов ва Т.Мирғиёсовлар экспедицияси қўл урган. Улар 1936 йилда Манғит яқинидаги Кубатов тепалигида эрамизнинг биринчи минг йиллиги ўрталаридаги зороастризм мазолида қазилма ишларини бажардилар.

1937 йилда Я.Ғуломов Гулдурсун ва Норинжон ўрта асрлар шаҳарчаси ва эрамизнинг биринчи асрларига тегишли Шоббоз яқинидаги Пил қаланинг улкан харобаларини қўздан кечириб, жанубий Қорақалпоғистоннинг “қадимги суғориш ерлари”да ўз ишларини давом эттирганлар.

1938-1950 йилларда Хоразм тарихини С.П.Толстов раҳбарлигидаги археология-этнография экспедицияси томонидан ҳам ўрганилган. Экспедициянинг илми й натижалари ичида меъморчиликка тегишли материалларни ҳам топишимиз мумкин. Ундан ташқари Ўрта Осиё маданияти тадқиқотчилари Г.А.Пугаченкова, Л.И.Ремпель, Я.Ғ.Ғуломов, Л.Ю.Маньковская, В.А.Булатова ҳам Хоразм меъморчилиги тўғрисида қимматли маълумотлар қолдирган. Мазкур ва бошқа муаллифларнинг асарларида саройлар меъморчилигига тегишли бўлган айримгина гаплар учраса ҳамки, бу турдаги иншоотларга тегишли тадқиқотлар олиб борилмаган.

Хоразм шаҳарсозликнинг шаклланган ва ривож топган қадимий ҳудудларидан биридир. Қўзалиқир, Қалъалиқир, Жонбоз қалъа, Акчахон қалъ, Хазорасп, Тупроқ қалъ ва бошқа сақланиб қолган ёдгорликлар бунга гувоҳлик беради.

Хоразм Ўрта Осиёнинг тарихий вилояти, Амударё этагидаги қадимги давлат.

Энеолит давридаёқ (эрамизгача иккинчи минг йиллик бошлари) чамаси, аҳоли оддий деҳқончилик, суғориш ҳамда чорвачилик ишларини билганлар (суярган маданиятининг дастлабки босқичи). Эрамизгача бўлган иккинчи минг

йиллик ўрталарида Ақчадарё тармоғи ирмоқларида шу маданият эгалари-деҳқон ва чорвадорлар кўплаб қишлоқлар ва қабристонлар қолдирдилар. Қадимги қишлоқларда турар жой-ертўлалар қолдиқлари, ривожланган ирригация тизимлари ўринлари, дала майдонлари сақланган; топилмалар орасида дон майдалагичлар, бронза буюмлар, ўроқ, пичоқлар. Эрамизгача бўлган иккинчи минг йиллик охирида амиробод маданияти (эрамизгача IХ-УШ асрлар) ривожланди. Ирригацион деҳқончилик мукаммаллашди, яйлов чорвадорлиги ривожланди, ўтроқ манзилгоҳлар катта қишлоқларга айланди. Шу билан бир вақтда воҳадан шимоли-шарқдаги чўлларда, Сирдарё этакларида асосан чорвачилик хўжалигига эга маданият юзага келди, унинг эгалари деҳқончилик воҳалари билан яқин алоқада эдилар. Кечки бронза асрининг бу маданияти асосида Орололди чўлларида сак-массагет қабилалари маданияти пайдо бўлди.

Эрамизгача VІ аср ўрталарида, эҳтимол Кир II вақтида Хоразм Ахомонийлар давлати таркибига кирди. Эрамизгача VІ-V асрларда Хорасмий шаҳри ва хоразмликлар давлати ҳақида дастлаб қадимги грек муаллифи-Гекатей Милетский хабар беради. Кўзали ғор қадимий шаҳарчаси ва кўплаб қадимги қишлоқлар шу вақтга тегишли. Геродотнинг айтишича, Хоразм Парфия, Суғд ва Арейя билан Ахомонийлар давлати XVI ҳокимлиги таркибига кирган. Антик асарлар таҳлили Артаксаркс II (404-358) вақтида Хоразм алоҳида ҳокимлик бўлганлигини тахмин қилиш имконини беради. Унинг маркази, чамаси, катта қалъа (қалали-қир қадимги шаҳарчаси) бўлган.

Ахомонийлар даврида Осиёолди бадий анъаналари таъсирида бўлган қадимий Хоразм санъатида саклар маданиятининг алоҳида қирралари сақланиб қолган. Эрамизгача бўлган IV-III асрларнинг маҳаллий ва ўзлаштирилган элементлар бирлашуви асосида Хоразмнинг ўзига хос бадий маданияти юзага келди. Эрамизнинг биринчи асрлари тасвирий санъатида парфияликлар ва кушонлар воситасида кириб келган эллинистик таъсирлар намоён бўлди. Қадимги Хоразм меъморчилигининг алоҳида қирралари ҳажмларнинг бақувватлиги ва ифодавийлиги, ташқи безакнинг оддийлиги - соғ тупроқли

лойдан қилинган қурилиш ҳам ашёси (пахса, хом ғишт) билан изоҳланади. Кубба, гумбазлар билан бир қаторда устунларга таянган тўсинли ёпмалар қўлланилган. Уч поғонали квадрат асосдаги хумча шаклидаги тош базалар анъанавий бўлган.

Шаҳарлар, одатда планда тўғри тўртбурчак, бир текис, ҳар кварталда кўчалар четида жойлашган биноларга эга, найзасимон деворли галерея ва миноралар билан мустаҳкамланган (Кўзали қир). Алоҳида квартал ёки сарой комплексларида ибодатхоналар қутлуғ олов учун тош ётқизилган майдончали бутхоналар. Саройлар (эрамизгача V-IV асрлар, Қалали қир, II-III асрлар Тупроқ қала) айвонли тантанавор ҳовлиларни, заллар ва коридорлар орқали бирлашган кўплаб хоналарни ўз ичига олган. Тупроқ қала саройи баланд цоколларга кўтарилган. Дафн қилиш иншоотлари Кўзали қир қадимий шаҳарчасида (эрамизгача V аср) хочсимон пландаги минорасимон қурилишлардан ва Қўй Қирилган қала (эрамизгача IV-III асрлар) цилиндрик ибодатхона -мақбарадан иборат. Қишлоқ уйлари, одатда, пахсадан, коридор ёки ҳовлича четларида жойлашган турар жой ва хўжалик хоналарига эга.

Қадимги Хоразмда қурилиш материали сифатида пахса, хом ғишт ва ёғоч ишлатилган. Хоналар квадратга яқин тўртбурчак ва коридор тарзидаги узунчоқ шакллардан ташкил топган. Уларнинг кўпчилиги тархда чўзиқроқ шаклга эга бўлиб, тоқ билан ёпилган. Каттароқ хоналар, ёпмаси эса ичига қўйилган тўрт устунга таянади. Уларга тўртта хари ташланади ва “дарбази” номи билан аталадиган конструкция билан ёпилади. Нуфузли хонадонларнинг уйлари бир неча хил хоналардан иборат яхлит туркумдан ташкил топган. Асосий хоналарнинг ички кўриниши ниҳоятда ҳашамли ишланган бўлган. Деворларига суратлар солиниб, шифти ва устунлари ўймакорлик билан безатилган.

Милоддан аввалги VI-V асрларда Қалъали қир истехкоми шаҳри Эрон, Жанубий Туркманистондан келадиган йўл ёқасида, Кузалиқирдан шарқ томонда, табиий баландлик устида вужудга келган. Бир томони 1000 метр, иккинчи томони 700 метр масофалардан ташкил топган тўғри тўртбурчак

шаклида қурилган. Шаҳар ичини асосан сайҳонлик эгаллайди. Шаҳарчани Чарманёб ариғи сув билан таъминлаб турган. Параллел кетган уч қатор девор билан ўралган. Деворлари буржлар билан мустаҳкамланган. Буржи, дарвоза олди алоҳида муҳофазаланган. Тўрт дарвозаси бўлган. Кириш ҳовлиси мураккаб айланма даҳлиз (лабиринт)дан иборат. Қалъалиқир қўрғон деворининг айрим жойларида қайта қурилишлар қилинган. Истеҳкомнинг ғарбий қисмида, қўрғон деворга туатштириб сарой мажмуаси (умумий майдони 10500 м²) қурила бошланган, бироқ охирига етказилмаган. Милоддан аввалги III асрда ташлаб кетилган.

Саройда ҳам қайта қурилишлар бўлган. Сарой деворининг бир қисми табиий тош устида бўлса, айрим ерлари қум устига қурилган. Чамаси хавфхатар туғилганда аҳолининг подалари бу қалъа ичига келтириб қўйилган.

Хоразм меъморчилиги намуналари қаторида Қалъали қир саройи ажратилиши мумкин. Иншоотда симметрик тарзда уч томонида айвонлари бўлган ҳовлилар ва бурчакдаги тўрт устунли хона алоҳида диққатни тортади. Саройдаги устунлар уч жойда (ҳовли ва икки хонада) жуфтлаштирилиб қўйилган.

Қадимги Хоразм тадқиқотчиси С.Толстов аввал бундай шаҳарларнинг қўрғон деворларида турар жойлар бўлган деб тахмин қилган эди. Кейинчалик шаҳардаги қўрғон деворлар фақат мудофаа қурилмалари эканлиги маълум бўлди.


Хоразмнинг энг қадимги шаҳарларига тегишли, деб ҳисобланган. Бу шаҳар ўша вақтда 40х40х10 см ўлчамли хом ғишдан икки ёки уч қатор қилиб ёнма-ён тикланган, усти эллипс шаклдаги равоқ билан ёпилган, шаҳар майдони махсус девор билан ўраб олинганлиги аниқланган. Маълум масофада шаҳарни мудофаа қилиш миноралари жойлашган. Бир сўз билан айтганда, қадимги Хоразм ерларида олиб борилган археологик қазилмалар миллоддан олдинги IV асргача, яъни Искандар Мақдуний истилосигача бўлган даврга оид бўлиб, девор бўшлиғига турар жойлар жойлаштирилган истеҳкомлар тарзида бўлган.

Булар «Авесто»да баён этилган «вара» типдаги шаҳарлар бўлиб деворларнинг периметри 7-12 км бўлган.

Истеҳкомнинг ғарбий қисмида, қўрғон деворга туташтириб сарой мажмуаси (умумий майдони 10500 м²) қурила бошланган, бироқ охирига етказилмаган. Милоддан аввалги III асрда ташлаб кетилган.

Саройда ҳам қайта қурилишлар бўлган. Сарой деворининг бир қисми табиий тош устида бўлса, айрим ерлари қум устига қурилган. Чамаси хавфхатар туғилганда аҳолининг подалари бу қалъа ичига келтириб қўйилган.

Хоразм меъморчилиги намуналари каторида Қалъали қир саройи ажратилиши мумкин. Иншоотда симметрик тарзда уч томонида айвонлари бўлган ҳовлилар ва бурчакдаги тўрт устунли хона алоҳида диққатни тортади. Саройдаги устунлар уч жойда (ҳовли ва икки хонада) жуфтлаштирилиб қўйилган.



Қалъали қир. Мил аввалги IV асрлар:

Қадимги Хоразм тадқиқотчиси С.Толстов аввал бундай шаҳарларнинг қўрғон деворларида турар жойлар бўлган деб тахмин қилган эди. Кейинчалик шаҳардаги қўрғон деворлар фақат муҳофаа қурилмалари эканлиги маълум бўлди.

1.2. Тупроқ қалъа III аср. (шаҳар, сарой, навкарлар зали).

Акчахон қалъадан шимол томонда жойлашган Тупроқ қалъа милоддан аввалги I- милодий VI асрларда ҳаёт кечирган ноёб шаҳарсозлик намунасидир. Милодий III-IV асрларда Хоразм ҳукмдорлари- хоразмшоҳларнинг қароргоҳи- иккинчи пойтахти бўлган. Томонлари 500х350ммни ташкил қилган, яъни 17,5 га майдонда жойлашган. Атрофи ҳандоқ билан ўралган. Кўринишдан тўғри бурчак шаклидаги Тупроққалъа шимолдан жанубга чўзилган бўлиб, атрофи катта қолипда қуйилган хом ғиштлардан қурилган қалин ва баланд, икки қаторли девор билан ўралган. Деворлар бўйлаб квадрат шаклдаги жуда кўп буржлар қад кўтариб туради.

Ўртасидан ўтган кўча уни икки йирик қисмларга ажратади, ёнида 10 маҳалла жойлашган. Қалъа ичида аҳоли яшаш уй-жойлари, ҳунармандларнинг устахоналари, ибодатхона, бозор ва сарой жойлашган. Қалъанинг шимоли- ғарбий бурчагида жойлашган учта минорасифат ҳажмли, яъни уч қисмдан иборат бўлган сарой (75х75м) чуқур ўрганилган. Сарой 14 м баландликка кўтарилган хом ғишт ва қумдан иборат бўлган пойдевор устига солинган. Саройнинг атрофи қалин ва баланд деворлар билан мустаҳкамланган. У қалъа ичида яна бир кичкина қўрғон қалъани ташкил қилган. Сарой ичига баланд кўтарилувчи йўлаклардан ўтилган. Сарой хоналари 50 ка яқин бўлиб, хоналар, уларнинг девори параллел қилиб қурилган. Хоналар бир-бири билан боғланган бўлиб, марказий қисмдан ҳамма хоналарга кириш мумкин бўлган. Археологик тадқиқотлар натижасида топилган ашёларига қараб хоналар турлича номланади. Масалан, “Подшо зали”, “Аскар зали”, “Ғалаба зали”, “Буғулар зали” ва бошқалар. Антик даврдаги энг кўзга кўринган ёдгорликлардан бўлган

Тупроқалъадаги сарой шу даврда ўзининг маҳобатли кўриниши билан шаҳар силуэтини белгилаб турган.

Сарой ёнида ибодатхона бўлган деб фараз қилинади. Шаҳарнинг жанубида бош дарвозаси бўлиб, у Хоразмда ҳозир ҳам учрайдиган катта уй (ҳовли)ларнинг дарвозаларига ўхшайди, дарвозадан ичкарига кирилган захоти тўғри бурчакли қилиб солинган уйга дуч келинади, шу уйдан марказий кўча бошланади. Ўн метр кенгликдаги бу кўча тўғри ҳокимнинг саройига ва шаҳар ибодатхонасига олиб кирадиган дарвозага бориб такалади. Шу кўчанинг охиридан ўнгга қараб кетган кўча бозорга олиб чиқади. Бош кўчанинг ҳар томонида бир-бирига тўғри келадиган тор кўчаларда кўп хонали катта уйлар солинган. Қалъанинг ички архитектураси Жонбосқалъага ўхшаб кетади.

Тупроқалъа мунтазам тархга эга. Жаҳон шаҳарсозлиги тарихидан шу нарсга маълумки, асрлар давомида шаклланиб келган шаҳарлар тархи номунтазам кўринишга, аксинча бир вақтда бунёд этилган шаҳарлар мунтазам кўринишга эга бўлган.


Бу мунтазамлик кўп ҳолларда маълум ўлчов бирлиги асосида вужудга келган. Масалан, Авестодаги “вара”ни бунёд этилишида “от чопими” бирлиги қўлланилган.

Қадимги Иккидарё оралигининг Борсиппа шаҳрида, тахминан 59 метрга тенг бўлган “ашлу”-арқон бирлиги ишлатилган. Қадимги Хитойда эса “Чжоули” қўлланмасида шаҳарларни режалашда чорак “ли”-125 метр бирлигини қўллаш тавсия этилган. Тупроқалъанинг хандасавий

тузилиши кузатилганда улчамларнинг ўзаро боғланганлигини сезиш мумкин. Шаҳардаги ўлчамларни ўзаро солиштириш баъзи хулосаларни чиқариш имкониятини беради:

шаҳар жанубидаги кўндаланг кетган ўртадаги кўча шимолда жойлашган мураббани-квадратни ажратиб туради;

-қалъанинг асосий шакл томонлари олтин кесмада бўлган тўртбурчакка яқин;



Тупроқ қалъа I –III асрлар

-юқорида айтилган мураббанинг жануби-шарқдан шимолиғарбга кетган диогонали бўйлаб яна учта кетма-кет мураббалар келади: ибодатхонани ўз ичига олган мурабба, саройнинг ўртасидаги пастакроқ ҳажмининг асосидаги мурабба ҳамда саройнинг шимоли—арбидаги баланд ҳажмининг асосидаги мурабба;

-асосий кўча маҳаллотнинг ўртасидан ўтади;


-кўндалангига кетган ўнта кичик кўчалар маўаллотни тенг ўн иккита қисмларга ажратади;

-саройнинг уч баланд ҳажмлари ўзаро тенг бўлиб, ўртадаги пастқамроқ ҳажм билан ягона модул асосида қурилган. Тупроққалъада булардан бошқа хандасавий мутаносибликлар ҳам бўлиши муқаррар.

1.3. VII-X асрлар феодал қалъа-кўшклари.

Якка Парсон кўшки ва Қават қалъа.

VII-VIII асрлар қишлоқ жойларидаги феодал қалъа-кўшклари нисбатан кичик, уларнинг қиёфаси ибтидоий қурилмаларнинг энг қадимги турларига нисбатан анча ўзгарган. Бу алоҳида бирор оиланинг турар жойи, айланма йўлак илгариги даврлар турар жойлари мажмуаларини ёдга солади.



Якка Парсон кўшки VII-VIII асрлар

Баъзида кўшкларда кириш жойи яқинида тантанали зал- меҳмонхона ажралиб турган. Кўшклар лойдан қурилган баланд платформалар устида қурилган.

Ўрта аср қалъа-қўрғон кўриниши Хоразм Тешик қаласи ва Якка Парсонда яққол ифодаланган. Уч-тўрт юз йилликлар давомида истиқомат жойи бўлган иккала қалъа ҳам VII-VIII аср бошларида қаровсиз қолган. Икковида ҳам ҳовли ўртасида квадрат шаклдаги турар жой кўшки бўлган. Якка Парсонда 24x24м ўлчамдаги қалъа 74x54м қалъа девори билан ўралган; деворнинг ташқи томонидан сув билан тўлдирилган кенг ҳандақ чўзилиб кетган. Кўшкда марказий гумбазли хона текис томли хоналарни бирлаштирган, бу хоналарга икки тамбурли эшиклардан чиқилган. Қамал ҳолати учун кўшк ичида қудуқ қазилган. Ҳовлини турар жой ва хўжалик хоналари тўлдирган.

Ўрта Осиёнинг шарқий ва марказий районларидаги бу даврга тегишли ерларининг хусусиятларидан бири, қалъаларнинг бош фасад, фриз ва деталлари турли шакллардаги ғиштлардан иборатлигидир. Ғиштларнинг шакли ҳамма жойда деярли бир хил- айланасимон, зинапоё кўринишида ва тўлқинсимон. Деворий суратлар ва амалий санъат асарлари эртанги ўрта асрлар қалъалари ҳақида тасаввурни тўлдиради. Уларда ёғоч деталлар, панжаралар қўлланилган. Эртанги ўрта асрлар қурилиш техникаси маҳаллий шароитларга яхши мослашган икки- ғарб (Хоразм, шимолий Хуросон) ва шарқий (Бухоро, Суғд, Чоч, Еттидарё) мактабини намоён қилади.

Асосий қурилиш хом ашёсини ишлов берилган тупроқ: пишитилган лой (замонавий тилда пахса) ва сомон қўшилган хом ғишт ташкил қилади. Пахса бир метрга яқин баландликдаги қатламлар билан тахланган. Йирик шаклдаги хом ғишт: шарқда тўғри бурчакли шаклда 25х50 см ёки ғарбда 40х40 см ўлчамли квадрат шаклда, қўлинлиги 8-10 см. Чокларда лой қоришма ишлатилган. Бинолар пахса ёки хом ғиштли цоколь устига қурилган. Поллар лой билан текисланган. Алоҳида ҳолларда, масалан, сув ишлатиладиган ювиниш хоналарида юпқа пишитилган плиталар қўлланган.

Биринчи қаватдаги куч кўтарувчи деворлар қалинлиги бир метр ва ундан кўпроқ. Деворлар тахлами асосан уч хил: хом ғишт, пахса ва аралаш қилиб терилган. Бунда 20-25 см қалинликдаги юпқа пахса қатлами хом ғишт қаторлари билан алмашинган. Пахса мустаҳкам ва чидамли хом ашё, тартибсиз ёрилишларни олдини олиш мақсадида уни қуриш пайтида, тахлам уриш жараёнида блокларга бўлинган.

Қурилмаларнинг қуббасимон ёпмалари алоҳида аҳамиятга эга. Қуббасимон ёпмалар лой қоришмада терилган хом ғиштлардан бажарилган. Бундай усул Яқин ва Ўрта Шарқ учун умумий. Тахлам елпиғич кўринишида терилган. Биринчи қатор ён деворларига, қолган қаторлар ўзидан олдинги қаторларга таянган.

Хоразмда куббалар учун трапециясимон хом ғишт, шарқий вилоятларда оддий тўғри учбурчакли хом ғиштлар қўлланилган. Куббасимон ёпмалар оралиғи 5-6 метрни ташкил қилган.

Равоқлар тахлами техникасида бир канча усуллар кузатилади: бўлакли тахлам, кўндаланг қирқимли, “плашмя”. Бундай хилма-хиллик чамаси тор оралик ўлчами ва хом ғиштнинг катта шакли номуносивблиги туфайли юзага келган.


Хоразмда кўндаланг қирқимли тахлам қўлланилган. Баъзида равоқлар икки- ичкари қаторда кўндаланг қирқимлар ва ташқарида бўлакли тахламда бериш ҳам мумкин. Равоқлар худди куббалар каби ўз профили бўйича кўп марказли- юқори ва паст учбурчак бурчак остида терилган ғиштлардан аралаш. Кўп марказлилар уч ва беш марказлига бўлинади. У-У1 асрлардан бошлаб Ўрта Осиё меъморчилигида гумбазлар пайдо бўлди. Улар айлана ва квадрат асосларга қуриларди. Квадрат асосларда гумбазлар одатда чўзиқ равоқлар шаклидаги тромпларга таянган. Бундай конструкциянинг хусусияти шундан иборатки, дастлабки даврларда тромплар фақат бурчакларни тўлдирган ва горизонтал проекцияда учлари қирқилган квадрат кўринишини беради. Бунда гумбаз асоси девор қалинлиги орасида бўлади, чунки унинг диаметри хона ўлчамидан катта бўлади. Хоразм учун ана шундай гумбазлар конструкцияси хос.

Х асрда Қаватқалъа вужудга келди. Бундай қалъаларда арк бўлмаган. Қаватқалъа мажмуадир. Унга кирувчи ёдгорликлар "Буюк Хоразм" даврининг ижтимоий-сиёсий ва маданий қиёфасини акс эттиради. Олдинги мустаҳкам қалъалар ўрнига энди ҳашаматли кўшклар ва деҳқонларнинг мустаҳкамланмаган қўрғонлари пайдо бўлади.

Қаватқалъа мажмуасига кирган Говхўра воҳаси ҳозирги вақтда шу ном билан аталган ариқ бўйлаб, эни 2-3 км, узунлиги эса 15 кмгача чўзилган жуда кўп қалъа, қаср ва қўрғон харобалари билан банд бўлган ҳудуддан иборат. Қаватқалъа атрофида 8 км майдонни эгаллаб ётган жойнинг ўзидагина тўқсондан ортиқ истехком борлиги аниқланган. Говхўра воҳасининг ўртасида

унча катта бўлмаган ва шаҳарчага ўхшаш асосий мустаҳкам қалъа (сатхи 160x190 м.) мавжуд. Унинг ўртасида ҳашаматли пахсага ўйма нақш берилган сарой харобалари сақланган. Қалъа яқинидан ўтган Говхўра ариғи бўйлаб шу даврга хос бўлган яна 4 та ҳашаматли қаср бор. Бу истехкомларнинг бурчакларига нақш берилган, қирралари буржлар билан мустаҳкамланган. Аммо қалъа деворлари антик мудофаа иншоотларидай қалин бўлмай, мудофаа мақсадида қурилмагандай бўлиб туюлади.

Текширишлар натижасида бу ёдгорликлар жуда катта ёнғин туфайли харобага айланганлиги маълум бўлди. Ёнғин шунчалик кучли бўлганки, айрим мис ва шишадан ясалган буюмлар эриб кетган. Баъзи бир далилларга қараганда Қаватқалъага ўт қўйилиши мўғул истилоси билан боғлиқ. 1220 йили Хоразмга юриш қилган Чиғатой ва Угедай бошчилигидаги Чингизхон лашкарлари Самарқанддан Бухорога бориб, ундан Урганчга ўтишда Қаватқалъани талаб, унга ўт қўйган деб ҳисоблаш мумкин (Жабборов И. Кўҳна харобалар сири.-Т.: 1961, 83-бет).



1-боб бўйича хулоса

Яқин кунларгача ва ҳозирда ҳам Ўрта Осиё халқларининг қадим тарихи Шарқ қадим тарихининг кам ўрганилган муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Араблар истилосигача бўлган давр ҳақида бизгача жуда кам маълумотлар етиб келган. Социал-иқтисодий, сиёсий ва маданий тарзни тубдан ўзгаришига олиб келган араб босқинчилиги ва VII-VIII асрларнинг шиддатли воқеалари оловида қадим, мусулмон цивилизацияси хазинаси, шу жумладан, шубҳасиз қадимги Ўрта Осиё давлатларида мавжуд бўлган тарихий адабиётлар йўқ бўлди.

Хоразмда ҳам 712 йилда араб лашкарбошиси Қутайба ибн Муслим томонидан хоразмликларнинг илмий адабиётлари ваҳшийларча йўқ қилингани ва олимларининг, қадимги маҳаллий маданий анъаналар тарқатувчиларининг қирилиши ва қувғин қилиниши ҳақида маълумотлар бор.

X ва XI асрларнинг улуғ хоразмлик олими Абу Райхон ал Беруний ўз китобида ҳақида шундай маълумот беради:

“Қутайба ҳаммани, хоразмликлар ёзма ёдгорликларини билганларни, уларнинг нақл, ривоятларини сақлаганларни, халқ ичидаги олимларни турли йўллар билан тарқатиб юборди ва йўқ қилди, шу сабабли буларнинг ҳаммаси мутлақо қоронғу, номаълум бўлиб қолди ва исломнинг кириб келиш даврида улар тарихидан маълум бўлган нарсалар ҳақида асл, ҳақиқий билимлар йўқ.”

Ал Беруний томонидан сақланган ва Захау томонидан дастлабки босиб чиқарилган ҳамда тадқиқ қилинган маҳаллий тарихий анъана, бизга ўрта асрлар бошидаги Хоразм тарихининг хоразмликларнинг ўзларига қандай маълум бўлса, худди шундай, фақат ташқи схемасинигина беради.

Фақат харобалардан баъзилари тарихий анъаналар тугунини очиб берувчи эски номларини сақлаб қолганлар. Куня Ургенч, Замахшар (ҳозирда Змухшир), Жигирибент харобалари, ўрта асрлар Даргон ва Шўрахон харобалари ана шундай ёдгорликлардир. Кўп харобалар улардаги ҳаёт йўқ бўлганидан анча даврлар кейин ўзларининг ҳозиргача сақланган номларига эга бўлдилар. Санаб ўтилган кўп харобаларнинг номи уларнинг ташқи

кўринишидан келиб чиққан. Улардан баъзиларининг номи сайёҳга, қуёшда қизиган чўл саҳросида инсонга хавф солувчи хавф-хатарни эслатади. Қўй қирилган қала (“Ўлган қўйлар қалъаси”), Қўзи қирилган қала (“Қўзилар қирилган қалъа”)ва ниҳоят уларнинг энг кўрқинчлиси,- Одам ўлган қала (“Ўлган одам қалъаси”). Бу, деворлари ёнида ҳозирда ҳам қуриган, тиришган, тулкилар томонидан ғажиб ташланган ва қумлар орасига кўмиб қўйилган, қорамтир терири, йиртиқ йўл-йўл ҳалатдаги инсон скелети ётган VII-VIII асрлардаги унча катта бўлмаган кўрғон. Анча йиллар илгари бу ёлғиз йўловчи сувдан узоқдаги 10-15 километр масофани босиб ўтиш учун ўзида куч топа олмай, ўлик қалъа ёнида ётиб, жон берган.

Мана шундай қизиқарли тарихга эга бўлган баъзи қалъаларни санаб ўтайлик. Қўзалиқир манзилгоҳи (мил.авв. VI-V асрлар) Тошховуз қалъасидан 85 км. Жануби-ғарбда жойлашган. Ёдгорлик маҳаллий халқлар орасида “Етим қалъа ” номи билан аталади. Қалъа тархи учбурчак бўлиб, умумий майдони 25 га ва икки (юқори ва пастки) қисмдан иборат. Археолог олимларнинг аниқлашича, датслаб табиий тепалик устига қалъанинг жануби-шимолидаги юқори бўлаги қурилган. Юқори қалъа ўртасида ҳукмдорлар саройи жойлашган. Саройнинг майдони 1 га бўлиб. Археологлар олиб борилган тадқиқотлар вақтида унинг ўндан ортиқ хоналари очилган. Саройда ибодатхона бўлганлиги аниқланди. Қалъа икки қатор девор билан ўраб олинган, улар орасида кенглиги 2,5 м даҳлиз бўлган.

Жонбоз қалъа тўғри тўртбурчак “200x170 мм” шаклида режаланган. Шимол-жануб йўналиши қалъа диогоналига мос келади. Милоддан аввалги III асрда жадал ҳаёт кечирган. Кўрғон деворларида шинаклари бор. Бир дарвозали, дарвоза олдидаги майдон ҳам девор билан муҳофазаланган. Қалъа қратсидан кенг йўл ўтади. Йўлнинг икки томонида турар жой массивлари жойлашган. Йўл ибодатхонагана олиб борган.

Хоразм воҳасининг жанубида Хазорасп қалъаси қурилган. Тархи мураббага яқин – 290x294 мм. Кейинчалик қурилиш олиб боришнинг янги усулларига мослаштириб, қайта қуриш ишлари олиб борилган.

Қўй қирилган қалъа доира шаклида қурилган бўлиб, ўртаси цилиндрик ҳажмдан иборат. Унинг ичидаги хоналар симметрик тарзда жойлашган. Марказий ҳажмнинг тевагидаги халқада турли “ёрдамчи” хоналар жойлашган. Қалъанинг вазифаси (функцияси) тўла аниқланмаган. Ибодатхона сифатида қурилган деб фарз қилинади. Расадхона вазифасини ҳам ўтаган бўлиши мумкин.

Жуда яхши сақланган антик даврлардаги кубба бинолар ўрта асрларда фойдаланилган. Тупроқ қала яқинидаги қушлар давридаги Қизил қала истехкомли уй-қўрғони ҳам шундай. У уч маротаба одамларнинг яшаш жойи бўлган ҳолда икки маротаба замонавийлаштирилган- VI-VIII асрларда ва XII-XIII асрларда. Бундай ҳолатда қурувчилар ва бинонинг биринчи яшовчилари қолдирган қоникарли кўринишдаги сақланишни кутиш қийин. 1938 йилдаги бизнинг биринчи қазилмаларимизнинг биринчи объекти бўлган УШ асрнинг Тешик қала қасридаги каби текис, тўсинли том бўлганда бошқа гап. Қалъа қамал ва қаттиқ ҳужум натижасида йўқ бўлган. Ёнғин шифт тўсинларини вайрон қилган- улар қулаб тушган, ўзларининг лой массаси билан улар оловни ўчирган ва шу масса остида қалъанинг охири кунларидаги ҳамма нарсалар қандай бўлса, шунлайлигича сақланган. Тупроқ қалада эса, юқорида айтилган кубба ёриғи олдида, марказий майдоннинг шимоли-ғарбий бурчагида биз XII-XIII асрларга тегишли бой кўринишда безатилган иккита хумнинг катта бўлақларини топдик. XII асрда Тупроқ қала қўрғони янгитдан одамларнинг истиқомат жойи қилинмаганмиди, ва уларнинг ўзи аждодларидан қолган ҳамма нарсани йўқ қилмаганмидилар?

Бу ерда, бу ўзига хос ғорлар соясида XII-XIII асрларда бир қанча кишилар жойлашган. Улар уюм орасига сув ва озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш учун хумларни кўмишган ва бир қанча синган ва бутун идишларни қолдирганлар. Бу одамлар ким эди? Ҳамма маълумотлар бу ерда саҳронинг узоқ жойлари ва 15-20 километр шарқда жойлашган ҳаробалар яққол кўринадиган баланд 25 метрли қадимги минорада “буюк хоразмшоҳлар” армияси чегара отрядининг қузатиш пункти жойлашганлигини тахмин

қилишга олиб келади. Чамаси, отряднинг ўзи горнизон билан худди шундай, асосан антик бўлиб, ўрта асрларда қайта қурилган кўрғон, қўшни Қизил қалада жойлаштирилган.

Бутун маданий ландшафт- бир бутун яхлитликда қоронғу ва жиддий хусусият касб этади. Кўз олдимизда мустаҳкам кўрғонлар мамлакати, уларнинг лой девори ортида яшовчилар доимо душман ҳужумини қайтаришга тайёр турганлар. Кўз олдимизда тинимсиз жанглarning шиддатли даври ҳақида душман ҳужумидан доимий кўрқувда яшайдиган, кўлида қурол билан ўз ҳаёти ва мол-мулкини кўриқлашга тайёр бўлган одамлар ҳақида ҳикоя қилувчи манзара.

V - VIII асрлардаги меъморчилик кўп жиҳатдан заминдорларнинг - деҳқонларнинг саройлари-кўшклари билан характерланади. Бундай кўшклар тўғрисида Абу Райҳон Беруний маълумот берган. Аксари, улар сунъий тепаликда - платформада пахса ва хом ғиштдан қурилган, мустаҳкам деворлар билан ўралар эди. Деҳқонларнинг турли майда - йирик манзилгоҳлари аксари бирор йирик ариқдан сув ичиб, обод ерларни ҳосил қилган. Бундай обод ерлар *русток* деб аталган. Мисол тариқасида Хоразмдаги **Б у р г у т қ а л ъ а** ва **Қ а в а т қ а л ъ а** рустокларини келтириш мумкин.

Умуман олганда қалъалар саройларининг қурилиши қалъаларнинг асосий кириш қисмларида қулай жойлаштирилган ва маҳобатли қурилган. Сарой қисми асосий қалъанинг яшаш жойлари, жамоат иншоотларидан баланд, бошқарув тизими учун қулай. Сарой ичига баланд кўтарилувчи йўлаклардан ўтилган. Сарой хоналари 50 ка яқин бўлиб, хоналар, уларнинг девори параллел қилиб қурилган. Хоналар бир-бири билан боғланган бўлиб, марказий қисмдан ҳамма хоналарга кириш мумкин бўлган. Археологик тадқиқотлар натижасида топилган ашёларига қараб хоналар турлича номланади. Масалан, “Подшо зали”, “Аскар зали”, “Ғалаба зали”, “Буғулар зали” ва бошқалар. Антик даврдаги энг кўзга кўринган ёдгорликлардан бўлган Тупроқалъадаги сарой шу даврда ўзининг маҳобатли кўриниши билан шаҳар силуэтини белгилаб турган.

II – боб. Арклар таркибидаги саройлар меъморчилиги (XVIII - XX аср боши)

2.1. Хива. Кўҳна Арк

Ичан қалъа тахминан XVIII асрга қадар Хива худудининг 650х400 метр қисмини эгаллаган. Ичан қалъа жуда катта кўрғон девори билан ўраб олинган. Бу девор бир қанча таянч куббалари билан мустаҳкамланган бўлиб, узунлиги 2100 м дан зиёдрокдир. Деворнинг баландлиги 7 - 8 м, ерга яқинроқ қисмидаги қалинлиги 5 – 6 м. Иншоотнинг бурчак қисмида мустаҳкамловчи миноралар қад кўтарган. Шимолий боғча дарвоза Урганч йўлига олиб чиқади. Шарқ томондаги дарвоза – Полвон дарвоза деб аталган бўлиб, у Амударё ва Хазорасп йўлига олиб чиқади. Жанубий дарвоза – Тош дарвоза, ғарбий дарвозалар – Ота дарвоза деб аталади.


Хива... Бу – кўҳна тараққиёт мамлакати бўлмиш Хоразмнинг қадимги шаҳарларидан бири. Хоразм тўғрисидаги дастлабки ёзма тарихий маълумотлар “Авесто” китобида келтирилган (эрамиздан аввалги биринчи минг йилликнинг биринчи ярмида). Бихистун ёзувларида Хоразм Доро I салтанати (эрамиздан аввалги 521-425 йиллар) таркибига кирувчи бир вилоят сифатида эслатиб ўтилган. Қадимги грек муаллифи милетлик Гекатей ва Геродот ҳам (эрамиздан аввалги V асрда) “Хорасмия шаҳри” ва хоразмликлар мамлакати бўлганлиги тўғрисида ёзиб кетганлар. Абу Райҳон Беруний эрамиздан аввалги иккинчи минг йилликнинг иккинчи ярмида Хоразмда суғорма деҳқончилик қандай бўлгани тўғрисида сўз юритади. Буни С.П.Толстов раҳбарлиги остида иш олиб борган археология-этнография экспедицияси маълумотлари ҳам тасдиқлайди.

Энг яхши тамомланган комплекс Кўҳна Арк ҳисобланиб, у Ичанқалъанинг ғарбий деворига қўшиб қурилган. Дарвозаси шарққа қаратилган ҳолатда қурилиб, 80х50 метрлик сахни эгаллаган бу саройда бир неча ҳовли бўлган. Кўҳна Арк XIX аср давомида қурилиб хон резиденцияси ва бошқарув қароргоҳи ҳисобланган. Киравериш ташқи ҳовлининг иморатлари ҳозирги кунга қадар сақланмаган.

Кўшк атрофида секин-аста шаҳар пайдо бўлган. Охирги Хива хонлирининг саройлари ҳам шу ерда қурилган эди. Қалъанинг пайдо бўлиш тарихини Хива шаҳрининг ҳам тарихи деса бўлади.

Хом ғиштдан қурилган қўрғон девори билан ўраб олинган аркнинг ҳудудида ҳозир фақат XIX асрга оид бир неча бино сақланиб қолган. Лекин қадимги арк шаҳар ичида ўзига хос шаҳардек эди. Аркда хона ва унинг оиласи, амалдорлар учун уй-жойлар, ишратхоналар бўлган.

Аркда кўринишхона (қабулхона), зарбхона, ёзги ва қишки масжид ва ҳарамхона биноларидан ташқари илгари аслаҳахона, ўқ-дори тайёрланадиган устахона ва ўқ-дори омбори, хон қариндошлари ва амалдорлари учун идоралар, ошхона, отхона, зиндон ва қўчқор уриштирадиган махсус майдон ҳам сақланиб қолган.



ХИВА . Кўҳна Арк (Ичан қалъа)

- 1) Кириш, 2) Кўриниш хона, Танғали ховли, 3) Қишги ва ёзги масжид,
- 4) Ғарам (Ҳарам), 5) Ақ-ших-бобо хужраси.

Хоналар катори бирлашиб, ўртада ҳовли ташкил эган.

Кўҳна Арк – Аврангоҳ даврида (1686-1688) қурилган эди. Лекин Эрон қўшинларининг XVIII аср ўртасидаги босқинчилик юришлари вақтида ер билан яксон бўлиб, ҳозирги кўринишхонани Элтузархон (1804-1806 йй) Хива қурилишлари даврида қурдирди. Бу жойда янги кўринишхона – қабулхона қурилган бўлиб, у тахминан орадан юз йил ўтгач, Аваз Иноқхон даврида (1782 - 1804) жуда эскириб, вайрона ҳолига келиб қолганлиги учун бузиб ташланган ва унинг ўрнига янги тураржой комплекси қурилган. Кўҳна Аркдаги айвон ва ёзги масжид Оллоқулихон даврида (1825-1842йй) янгитдан қурилган экан.

Ҳозирги Арк, умуман олганда, XIX асрнинг биринчи ярмида авж олиб кетган жадал қурилиш фаолиятининг натижасидир. Кўҳна Арк пахса девор билан ўраб қўйилган. У ғарб томондан шаҳар деворларига бориб тақалади. Унинг қалъага кириладиган асосий йўли тахминан шарқий деворнинг ўрталарига тўғри келган бўлиб, одатдаги маҳобатли арк дарвозалари шаклида ва ўшандай ҳажмда ишланган. Тўғридан эса, бир – бирига уланиб кетадиган ҳовлилар орқали кўринишхонага ўтилади. Бу ерда ҳам ёғоч устунлар қад кўтарган бўлиб, уларга нақшлар ўйиб ишланган, шифтларига гул босилган, деворларга оқ-ҳаво ранг тусда сир-безаклар берилган. Бу безаклар шунчалик чиройли ишланганки, уларни кўриб XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган хивалик меъморлар маҳоратига қойил қоласиз. Ёзги ва қишги масжидлар ҳам худди шундай меъморчилик услубида бунёд этилган бўлиб, ундаги ёзувлар ичида мазкур кошонани бунёд этган Ибодулла ва Абдулла усталарнинг исми шарифлари битилган нақшин ёзувлар ҳозирги кунгача сақланиб қолган. Айрим ҳовлиларда – кўрғоннинг шимолий қисмида давлат маҳкамалари, идоралар, ўқ – дори омбори, порох устахонаси, ошхона, ҳарам, хўжалик мақсадларида фойдаланилган катта – кичик қурилишлар, иморатлар жойлашган. Тангалар тайёрланган зарбхона ҳам худди шу ерга жойлашган.

Айвондаги сиркор безакларни ҳам шу даврга таалукли дейдилар (айвон шифтидаги нақшлар 1933-1934 йилларда ремонт қилиниб, қайтадан бўяб тикланган). Шунинг учун ҳам ёзги масжид ва кўринишхонадаги нақшлар,

сиркор парчинлар ишланган бир хилдаги панно, хошия ва токчаларни кўрамиз. Буларнинг ҳаммаси устанинг анъанавий услубларни эркин талқин этишга интилишини кўрсатади. Бирорта гирих ҳам тайин геометрик тартибда ясалмаган. Уларда тасодифий шакллар ҳам бор. Хошиялардаги гуллар шакли бир тартибда эмас. Муқарнасларнинг баландлиги ҳар хил. Хива усталарининг бундай эркинликка йўл қўйиши бир йўсиндаги орнаментларни зерикарли бўлиб қолишдан сақлаган. Тахтхонанинг деворларида маҳаллий ганчкорлик санъатини кўрамиз. Бу ўймакорлик бадиийлик жиҳатидан айвондаги сиркор парчин қопламаларидан анча паст туради. Хон тахти чўзиқ залнинг энг тўридаги декоратив гумбаз остида турар эди. Шакли унча мураккаб бўлмаган бу тахт ёғочдан ясалган бўлиб, усти нақшинкор кумуш билан қопланган.


Ёзги ва қишки масжидлар ҳамда зарбхона ягона бино сифатида бир вақтда қурилган. Масжиднинг ҳовлиси унча катта эмас. Атрофи гумбазли хоналар билан ўралган. Қишки масжид кенг чорси хонадан иборат бўлиб, атрофига бошқа хоналар тушган. Унга жануб томондаги кичик дарчалардангина ёруғлик тушарди. Масжидга эса ёзги масжид ёнидаги ҳовлидан кириларди. Тўрттга устун оддий тўсинли шифтни кўтариб туради. Деворларда ҳеч қандай безак йўқ. Фақат ўймакор қошли бошаларнинг деворга ёндошган қисмида пилястрлар бор. Кўҳна аркдаги зарбхона Муҳаммад Раҳимхон (1806-1825йй) даврида ташкил топган бўлиб, гумбазли учта хонадан иборат. Бу ерда ҳукмронлик қилаётган хоннинг муҳри босилган тилла, кумуш ва каргапул чақалар зарб этилган.

Харам қалъанинг бутун шимолий қисмини эгаллаган. У кўринишхона ва ёзги масжиддан кейин Муҳаммад Раҳимхон II (1865-1910йй) даврида қурилган. Ҳозир харамдаги ғиштдан қурилган буржли хон айвонигина эътиборни жалб этади. Айвондаги устун Хиванинг нафис ўймакорлик услубида безатилган. Лекин девор безакларида ранг-баранг сиркор қопламалар ўрнига яшил ғиштлар капалак нусхада терилган, оддий ўймакор ганч бор. Хона ичида ўймакор ганч худди тахтхонадаги каби қизил, ложувард, яшил ранглар билан кўпол қилиб бўялган.

Харамнинг хон жория ва чўрилари яшайдиган хоналари Хиванинг бошқа оддий хоналаридан фарқ қилмайди. Харамнинг шимолий қисми ҳам (1910 йилда пишиқ ғишт билан қайта ишланган), ҳовлининг бузилиб кетган жануби-ғарбий қисми ҳам худди шу йўсинда кўрилган эди.

Харамнинг умумий кўриниши Тош ҳовли саройига ўхшаган бўлиши керак эди. Лекин Муҳммад Раҳимхон II хазинасининг қурби етмаганлигидан бинонинг ҳашаматли безаклари бажарилмай қолиб кетган. Харамнинг баланд деворлари (шимолдан) ва шинакли ташқи қўрғон деворлари (шарқдан) ҳовлини бўғиб қўйган.

Жуда мустаҳкам деворга, ярим куббали ва тишли – кунгирали деворга эга бўлган қўрғон устига “чордара кўшк” – яъни кубба устига қурилган уй бунёд этилган. Бу уйнинг “Оқшиқ бобо” деган шоирона номи ҳам бўлган, бошқа бир ривоятга кўра “Оқшиҳ бобо” (яъни “Оқ шайх бобо”) деб аталган экан.




Кўҳна арк. Умумий кўриниш, айвон.

2.2. ТОШ ХОВЛИ (1830 - 1838)

Шарқ давлатлари ҳукмдорлари учун яшаш, ҳукмронлик қилиш, меҳмонларни кутиб олиш, давлат куч-қудратини кўрсатиш мақсадида қадим-қадимдан мухташам саройлар бунёд этиш одат тусига кирган. Саройлар хон ва уларнинг яқинлари яшайдиган, давлат хизматлари бажарилаётган жой ҳисобланган. Шу боиски, яхлит меъморий ҳолда бизгача етиб келган Хива шаҳрида бир эмас, бир нечта хон саройлари ҳамон мавжуд. Ана шулардан бири-Оллоқулихоннинг машҳур Тош ҳовли саройидир. Тош ҳовли саройи (80x80 метр) XIX аср меъморчилик санъатининг ёрқин намунаси бўлиб, ташқи кўриниши ва қурилиши жиҳатидан Кўҳна Арк саройига ўхшаб кетади. Сарой 1830-1838 йилларда Хива хони Оллоқулихон (1794-1842 йилларда яшаган) томонидан қурдирилган. Сарой тарихий маълумотларга қараганда турли услубларда, қайта – қайта қурилган. Ичанқалъанинг шарқий дарвозаси ёнидаги бинолар билан биргаликда ягона ансамблни ташкил этиб, бош жамоат маркази шу ерга жалб қилинган. Сарой улкан ва ҳашаматли бўлиб, узоқ муддатда қурилган. Уни қуриш учун Хоразмнинг энг яхши усталари, наққошлари, кошинпазлари сафарбар қилинган. Тош ҳовли саройи баланд девор буржлари ва дарвозалари билан қўرғонни эслатади. Оллоқулихон бу саройни қуриш учун катта тайёргарлик қўрган. Саройнинг Тош ҳовли деб аталишига ҳам, унинг ҳашаматли ва ниҳоятда чиройлилиги ҳамда деворлари пишиқ ғишдан терилганлиги сабаб бўлган. Сарой учта катта ҳовли-кўринишхона, меҳмонхона ва ҳарамдан ҳамда бешта кичик ҳовли ва 163 хонадан иборат. Ёғоч устунлар, мрамар тошлар, шифтлардаги ёзувлар бизга сарой 8 йил давомида, яъни 1830-1838 йилларда қуриб битказилганлигини билдиради. Маълум бўлишича, қурилиш муддати бир неча даврга бўлинган.

Дастлаб саройнинг жанубий ярми: қабулхона жойлашган ҳовли – арзҳовли ҳамда дилхушлик қиладиган ишрат ҳовли тикланган. Кейинчалик алоҳида оилавий ҳовли – ҳарам қурилиб, унга туташтирилган.



Тош ховли саройи (Ичан калъа)

1) Гарем (Харам), Ишрат – ховли, Арз – ховли.

Умумий тузилиши бўйича дастлабки икки ҳовлининг бир-бирига ўхшайдиган томонлари мавжуд: улар тўғри бурчак шаклида шимолдан жанубга бироз чўзилган ҳолда қурилган. Жануб томонида асосий зал мавжуд, унинг ҳар иккаласида ҳам баланд айвон қурилган. Ҳовлининг уч томонида турли хоналар жойлашган, уларнинг иккинчи қаватида ҳам олди айвонли иморатлар тушган.

Ушбу ҳовлиларнинг марказий қисми асосий айвонлардан ташкил топган. Бу айвонлар, биринчидан, баланд бўлса, иккинчидан, икки қаватли қилиб, ўртасида нақшинкор анъанавий устунлар билан бунёд этилган. Уларнинг олд томонидан қаралганда, ҳар икки ёндаги деворларга декоротив миноралар – гулдаста шаклида қурилган куббалар кўринади. Айвоннинг деворлари бошдан-охир нақшинкор, сирли, ялтироқ безаклар билан қопланган.

Учинчи ҳовли – бу энг катта ҳовли бўлиб, тўғри тўртбурчак шаклида шарқ томондан ғарб томонга қараб чўзилган. Ҳовли атрофига икки қаватли тураржой бинолари ва хўжалик хоналари қурилган. Арз ҳовлида ҳам худди

Кўхна Аркнинг кўриниш хонасидаги сингари олд айвонли қабул жойи, айвон ёнлари гулдаста, супачалар ва ва Хива турардой иморатларида кенг учрайдиган хусусиятларни кўрамиз. Бу ерда ҳам гулпардозли сопол ишлатилган. Аммо айвонларнинг ҳашамдорлиги, устун, пойустун, девор ва хоналардаги нақшу нигорнинг нафислиги жиҳатидан тош ҳовлининг қурилиш услубига хос шимолга қаратилган баландлиги икки қаватга тенг 5 та улли (катта) айвон қаторасига жойлашган. Улли айвонлар оралиғи ва орқа томонларида хоналар қурилган. Ҳарамга қараган деворлар ва айвон сиртлари худди Арз хона сингари тўлиқ гулпардозли сопол билан ишланган.

Уй-жой бинолари тузилишини ҳарамнинг жойлашиши ва хоналарнинг ҳажми, ўзаро боғланишида аниқ сезиш мумкин. Ҳовли атайлаб ғарб-шарқ томонга чўзилган, чунки бу ҳолда кўпчилик хоналар офтобрўя тарафга ўтади. Ҳарамнинг бутун жанубий қисми хоннинг тўрт хотини учун ажратилган эди, қолган хоналарда янгалар ва хизматкорлар туришар эди. Хонимларга энг чиройли ва қулай уйлар бириктирилганлиги табиийдир. Ҳар бир хонимнинг уйи бир устунли пешайвон, хона ва қазноқдан иборат бўлган. Шарқ томондаги энг чекка айвон хон қароргоҳига олиб борган. Бу айвон бошқаларга нисбатан анча баланд, серҳашам ва қариндошлар учун ажратилган бир кичик даҳлиз ва икки хонадан иборат бўлган. Айвоннинг иккинчи қаватига махсус зина орқали чиқилади. Ҳарамнинг бешта катта айвони хон ва унинг тўртта хотини учун мўлжалланган бўлиб, ниҳоятда чиройли кошин қопламалар билан безатилган. Эшик ва устунлар Хива ёғоч ўймакорлик санъатининг юксак намуналаридан саналади. Мармар устун тошлардаги, темир панжаралардаги жимжима ўйма нақшларда Хива усталарининг энг мукаммал санъати ўз ифодасини топган. Катта айвонда кейинги айвон устуннинг тоши ислимий нақшлар билан бирга “Боқийлик” белгиси билан кўркамлаштирилган, эмишки хонга валиаҳд туғиб берган аёл хон хобхонасига яқин жойда яшаган. Яна айвонларнинг охиригисидаги устун марказида ҳам шундай белги бор бўлиб, у унча кўзга кўринмайди, бунда ҳам ўзига яраша маъно бўлиши керак. Ҳовлига қараган ҳамма хоналар безакларга бой. Ранг-баранг гулли сиркор паннолар, ўймакор

ёғоч устун ва мармар тошлар, нақшли шифтлар ва умуман ҳовлининг эркин тузилиши ажойиб расмлар галереясини эслатади. Бунда ҳар бир айвон ва ҳар бир панно- ёрқин санъат асаридир. Меъморчилик орнаменти ва монументал амалий санъат смоҳасида халқ усталари эришган энг яхши ютуқлар ҳарам деворлари беағида ўз ифодасини топган. Айвон деворларидаги катта сиркор панноларнинг ўсимликсимон , гирих (геометрик) нақшлари улардаги безаклар бир-бирига унча ўхшамайди. Устунлардаги ва эшиклардаги ёғоч ўймакорлиги айниқса нафис бажарилган,- устунлар танасини икки уч қатламли ўймакор гуллар чулғаб олган. Шифтларда кўкиш кошинларнинг акси ўлароқ қизғиш жигар ранг ишлатилган. Қизиғи шундаки, ҳар бир шифтдаги бўртма гирих ва ҳовзак нақшлар иккинчи марта такрор ишлатилмаган, кичик айвонлар деворидаги наққошлик намуналари ҳам ўзига хос алоҳида услубда бажарилган. Гулдасталар тасвири жуда эркин ва табиий талқин этилган. Мармар тошлардаги, жездан ишланган тўққиз панжарадаги мураккаб ва жимжима ўймакорлик-кандакор устанинг ўз маҳоратини тўлиқ намоиш этишга интилишининг натижасидир. Шарқ томондаги асосий айвон устун жуда кўркам ва жимжимадор нақшлар билан безатилган бўлиб, шифт ва девордаги нақшин гуллар ниҳоятда майда ва мураккаб орнаментлар билан берилган. Серҳашам ҳовлига нисбатан қазноқ, долон (усти бостирилган узун йўлак) ва болохоналар жуда ҳам кўримсиздир. Очик ўчоқ дудлари қазноқнинг девор ва шифтларини қорайтириб юборган. Хотинлар айвонини хон турар жойи билан бирлаштирувчи долон фақат тепадаги туйнуклар билан бир оз ёритилган. Кўринишхона ёки арзхонанинг ҳовлисига бориш учун бир қанча ярим қоронғи долон- хоналарни босиб ўтиш керак.

Саройнинг навбатдаги қурилган жойи-меҳмонхона (43х36 метр) биносидир. Унинг тузилиши Тош ҳовлидаги Арзхонага ва Кўҳна Аркдаги Кўринишхонага ўхшаб кетади. Унча катта бўлмаган чорсиरोқ ҳовли атрофдан хоналар билан ўралган. Ҳовлида ўтов учун асос бўлган тўғарак-супалар ҳам бор. Ўз даврида меҳмонларга шу ўтовда катта зиёфатлар берилган.

Саройнинг ташки тарзига безак берилмаган, эшик, деразасиз деворларнинг бурчакларидаги миноралар ва дарвозаларнинг икки тарафидаги миноралар Хоразм пахса деворли ховли жойларга монанд бўлиб, улар ҳар-хил босқинчилардан сақлаган. Сарой ичкари ҳовлилари тарзлари Хива бадий санъатининг асл намунаси сифатида сақланиб қолган.

Харам, ишрат ховли ва арз ховлилари меъморий ечими ғиштни силлик текислаб, ҳар-хил уриш йўли билан бажарилган. Девор пилястрлари оралари ок, кук, яшил рангли ғиштли мозаика ва майоликалар билан тўлдирилган. Айниқса айвонларнинг ичкари томонидаги майоликалар ўзининг нафислиги билан ажралиб туради. Бу гирих ва нафис чизилган гуллар орасида эпиграммалар кўп сақланган. Булардан мисол учун Огахийнинг Хива хонлари тарихига оид шерлари ёзилган ёғоч устунларнинг мармардан ясалган таг қисмлари сақланиб қолган. Шарк тарафдаги Хон айвонининг устунлари мармар асосида 1248 й. - 1832й. деб кўрсатилган. Худди шунака ёзувлар ишрат ховлида ҳам учрайди. Арз ховли майоликасида ҳам 1254 х.й - 1838й. ва уста Абдулла Жин номи ёзилган.

Саройнинг асоси 26x20x5 -6см. қилиб кесилган, текисланган текис ғиштларни лой билан териб қурилган, фундамент 0,25см. дан 3,0м. гача бўлган ҳар-хил чуқурликда жойлашган, кенглиги девор кенглиги билан тенг, 1,5 м.- 2м чуқурликда ғиштни кундаланг (дандана) ва арчасимон қилиб теришган, баъзи бир жойларида нам ўтказмаслик учун изоляция сифатида, тоншардан фойдаланилган. Унинг асоси бўлиб қурук тупроқдан фойдаланилган. Девор қалинлиги 1,2-1,5м; ташқи девор 0,6 - 1,2 м.

Саройнинг ҳамма хоналари болорлар билан ёпилган, устидан икки турдаги тупроқ катлами ташланган. Харамнинг асосий айвони ва ишрат ховли томи осилмачок плафонлар билан безатили, улар симлар билан асосий болорларга қотирилган.

Бу, ёғочдан жимжимадор қилиб ясалган плафонлар уста фантазиясига қараб ҳалма-ҳил ясалган. Иккиламчи хоналарда эса хона шифтлари болорлар оралиғини 17-18 диаметрли 35-40 см ли ёғоч бўлакчалари билан тўлдирилган ва

патахларга жойлаштириб, устидан қамиш тўшали, сомонсувок қилинган. Пастдаги балкалар ва вассалар баъзида нақшинкор бўлган. Бу ердаги ҳамма конструкция ва қурилишлар бадий жihatдан уз урнига эга. Уймакорлик билан бажарилган устунлар захдан асраб турувчи мarmар асосларда сакланади. Иккинчи қават айвонлар атрофи гузал ва нақшинкор панжаралар билан ўралган. Биринчи қават ўтиш жойларини нақшинкор эшиклар эгаллаган. Плафонлар эса қизил тилла ранг бўёқлар билан бўялган.

Интерьерлар декоратив ечими камроқ сакланиб қолганлиги сабабли унчалик дабдабали эмас. Бу ерда шифтдаги сталактитасимон плафонлар, тахмонларнинг ганчдан ишланган қисмлари деворлар бўйлаб қизилган ҳар-хил нақшлар қора, қуқ, қизил рангларда бажарилган.

Қўрилишхона ҳам ранг-баранг қошинлар билан ҳашаматли қилиб безатилган. Тош ҳовли саройи қурилишида XIX асрда юқсак чўққига чиққан Хива меъморчилик мактабининг энг муқаммал анъаналари ҳар томонлама ўз ифодасини топан. Ганч, мarmар, ёғочдаги нафис ўймакорлик безаклари ва шифтлардаги ажойиб нақшлар истеъдодли усталарнинг маҳоратини тўлиқ намоён қилади.



Тошховли, қўрилишхона.

2-боб бўйича хулоса:

Қадим замонлардан буён жуда кўп сонли аҳоли яшайдиган жойлар ва кўхна карвон йўллари ўтган шаҳарлар ичида Хива алоҳида ажралиб туради. Хивага ўхшаган кўплаб тарихий шаҳарлар тақдир тақозоси билан аллақачон ер билан яксон бўлиб, вайронага айланган. Баъзилари эса давлат томонидан муҳофаза этиладиган меъморчилик ёдгорликлари сифатида сақлаб келинмоқда. Ўқти-ўқтин ўз қирғоғидан чиқиб, ўз ўзанини ўзгартириб турадиган, ўжар Жайхун – Амударё ям –яшил боғ-роғлар, серҳосил экинзоларни ташлаб бошқа томонларга оқиб кетган, сувсиз қолган ерлар чўл-биёбонларга айланган, шаҳарлар қаровсиз қолиб, хароб этилган даврлар бўлган. Қадимги Қиёт ва Урганч (ҳозирги Кўхна Урганч) – бир замонлар Хоразмнинг машҳур пойтахти бўлган шаҳарлар шулар жумласидандир. Табиат офатларига ҳамда ижтимоий бухронларга бардош бериб яшаб келаётган шаҳарлардан бири – Хива шаҳридир. У, афсонавий Қақнус каби, қанча-қанча харобалар, вайроналар ичидан бош кўтариб чиқиб, яна қайтадан қаддини ростлаб келмоқда

Заррада қуёш акс этганидек, ҳозирги Хиванинг қиёфасида Хоразм меъморчилигининг ўрта аср охирларида қўлга киритган ютуқлари мужассамлашган. Шаҳар, айниқса, унинг қадимий ёдгорликлар сақланиб қолган қисми, бугунги кунда очиқ осмон остидаги музей сифатида ғоят қимматлидир. Эндиликда у ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон аҳамиятига молик ёдгорликлар рўйхатига киритилган.

Хива шаҳри халқ меъморчилигининг ажойиб жавоҳирларини ўзида мужассам этган нодир меъморчилик комплексидан иборат.

Халқ санъатининг энг яхши анъаналари Ичанқалъанинг XVIII-XIX асрларга оид бир қанча ёдгорликларида акс этган. Ичанқалъада монументал бинолар билан бир қаторда ўзига хос уй-жой ва гузарлар, масжидлар, уларнинг ўймакор эшик, устун ва панжаралари ҳам алоҳида диққатга сазовор. Хоразмликлар юксак маданиятининг намуналари ана шу музей-шаҳарнинг унча катта бўлмаган саҳнида жойлашган. Бу жойда биз халқ усталари

махорати ва дидининг маҳсули бўлган иссиқ шароитга мос уй-жой куриш хусусиятини ҳам уқиб оламиз.

Ичанқалъа... Жазирама офтоб. Сарой, макбара ва мадрасаларнинг рангдор кошнлари қуёш нурларида жилваланади. Хива атрофи Дишанқалъанинг бағри кенг боғ-роғларидан ўтиб, тор, тикилинч кўчаларга, ариқ ва дарахт асари бўлмаган ички қалъага кирамиз.

Ичанқалъадаги Кўхнаарк олдидаги майдонда хон аскарлари машқ қилар ва кўриклар ўтказилар эди. Шу билан бирга майдонда турли қочоқлар, диндан қайтганлар, исёнчилар қатл этиларди. Сарой баланд девор билан ўраб олинган эди. Унинг буржли дарвозаларида айни вақтда қоровулхона бўлиб, посбонлар туради, улар жаллодлик вазифасини ҳам бажаришар эди. Кўхнаарк унча қадимий эмас. Абулғозининг айтишича, Хива шаҳрида XVI асрда ҳеч қандай қалъа бўлмаган.

Кўхнаарк худудида ўтказилган археологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, шаҳарнинг жануби-шарқий қисми X - XI асрларда ташкил топган экан, шаҳарнинг ғарбий қисми эса кейинроқ пайдо бўлган.

Арқда Оқшайхбобо номли кўшкнинг қолдиқлари сақланиб қолган. Кўшкнинг атрофида секин-аста шаҳар пайдо бўлган. Охирги Хива хонларининг саройлари ҳам шу ерда қурилган эди.

Иккинчи бир сарой иншооти – Бу Хиванинг марказидан сал шимоли-шарқда жойлашган Оллоқулихон саройи ёки Тош ҳовлидир.

Давлатдаги ва бошқа давлатлар билан савдо- сотикнинг ривожланиши натижасида XIX асрнинг бошларида Ичанқалъанинг шарқий дарвозаси атрофида янги шаҳар бинолари, масжид, мадрасалар, савдо-сотик бинолари қурила бошлади. 1830-1838 йилларда Тош ҳовли саройи ҳам секин аста қурила бошлади, саройнинг босқичма-босқич қурилганлигини биз деворлардаги уланган жойларда курамиз.

Тош ҳовли саройининг ҳарам қисмида 1945-1983 йилларда Тарих музейи жойлашган эди. 1976 йилда бошланган таъмирлаш ишлари 1989 йилда тугалланган ва ҳарам ҳовлисида шу йили “Хоразм ҳунармандчилиги”

музейи экспозиция қилиб очилган. Бу экспозиция ҳозирги кунларимизда ҳам фаолият кўрсатмоқда. 1997 йилда Тош ҳовли саройида Хива шаҳрининг 2500 йиллик юбилеи муносабати билан улкан таъмирлаш ишлари олиб борилган. Тош ҳовли саройи йиллар натижасида бир неча марта таъмирланган. 1982-1983 йилларда айвон шифтлари, 1976-1989 йилларда харам таъмирланиб, таъмирлаш ишларига 551 минг 888 сўм маблағ ажратилган ва сарфланган. 1997 йилда саройнинг пастки қисмлари қайта таъмирланди. Тош ҳовли саройининг меҳмонхона ва арзхона қисмлари 2001 йили қайта таъмирланиб, саёхатчиларга намоиш қилиш мақсадида очилди. Ушбу ҳовлиларда “Девон беги”, “Мирзо” ва “Ўтов” интерьерлари жойлашган.

XVIII-XX асрлар давомида Хива шаҳрида бунёд этилган қатор саройларни шу даврларда Қўқон шаҳрида қурилган Худоёрхон ва Бухородаги Ситораи Мохи Хоса саройлари билан таққослаш мумкин.

XIX аср сарой иншоотларининг намунаси бўлган Худоёрхон Ўрдаси 1863 йилдан 1870 йилгача қурилган, фасадни кошин қопламалар билан безаш 1873 йилда тугалланган. Қурилишда 16000 киши ишлаган. Саройнинг бунёд этилиши Қўқон хонларининг куч ва қудратини намоиш қилишга интилишни кўрсатади. Иншоотни бирмунча сирли ва маҳобатли қилиш учун уни фасад периметри бўйлаб аркатурали цоколь кўринишида ишланган тўрт метрдаги баландлик устига қурилган. Ўзининг ёрқин кошинлари туфайли сарой фасади узоқлардан кўриниб турган. Сарой эгаллаган жой атрофидаги боғ ва кейинчалик бошқа жойга кўчирилган оилавий мазорни ҳисобга олмаганда 1 гектар майдонни эгаллаган.

Сарой эшиги олдида унча қия бўлмаган пандус орқали кўтарилиш мумкин. Айтишларича, Қўқон Ўрдаси илгарироқ қурилган Хотандаги Ёқубхон саройи билан ўхшаш. Шундай бўлиши мумкин, чунки Худоёрхон саройи қурилиши ва уни безатилишида Конибодом, Қўқон, Наманган, Ўратепа, Чустлик усталардан ташқари 1829 йилда Қўқон хони Муҳаммад Али томонидан Қашқардан олиб келинган ва Андижонда муқим яшаб қолган қашғарликлар ҳам

иштирок этган. Айнан шу усталар туфайли Фарғона водийси халқ хунаrmандчилигига Шарқий Туркистон халқ санъати усуллари кириб келган. Саройнинг лойиҳачиси ва меъмори сабаб, курувчи биргина фасаднинг ечими билан ўз вазифасини чеклаган, шунинг учун иншоот фронтал ечимда ҳал қилинган. Шу билан бирга фасад етарлича бўлакларга ажратилмаган: ўлчамлари жиҳатидан йирик пештоқ девор сатҳидан деярли туртиб чиқмаган, уларни безаб турган токчалар фақат бир ғишт қалинлигида чуқурлашган, каллиграфик ёзувлар фриз билан бир текисликда. Фасаднинг бўлакларга етарлича бўлинмай, яхлит кўринишдалиги Ўзбекистон классик ёдгорликларига хос бўлган ёруғ ва соянинг контраст жилвасидан маҳрум қилган.

Ўрта Осиё классик меъморчилигининг қонуниятларидан четга чиқиш иншоотнинг алоҳида элементлари ечимида ҳам кўзга ташланади.

Бу ерда фойдаланилган керамик техниканинг бойлигини таъкидлаш жоиз. Бу мозаика асосан турли шаклдаги - чўзинчоқ, квадрат, ромб ва юлдузчалар шаклидаги рангли сирланган ғишtlарнинг териb чиқилишидан ташкил бўлган. Айниқса каллиграфик ёзувлар фасад безагига ўзгача кўрк берган. Ўсимликсимон нақшлар туширилган майолика плиткалари ҳам каттагина жойни эгаллаган. Токчаларни тўлдириб турган нақшлар бир-бирини такрорламайдиган композицияларни ташкил қилади.

Усталар фақат фасадни безатиш билан чекланиб қолмаганлар. Кошинкор нақшлар саройнинг тантанали кўринишдаги интерьерига ҳам кириб борган.

Ҳукмдорлар томонидан бунёд этилган саройлар қаторида Бухородан тўрт километр шимолда сўнгги амирларнинг шаҳар ташқарисидаги энг кўркем саройларидан бири Ситораи Моҳи Хосани келтириш мумкин. Ушбу боғ-сарой комплекси Европа меъморчилик услубида қурилган. Сарой боғининг атрофи баланд пахса девор билан ўралган. Ситораи Моҳи Хосанинг ичкарасига дарвозахонадан кирилади. Бу ерда XIX аср охири ва XX аср бошларида Бухоро меъморчилигининг инқирозга учраганлиги кўзга яққол ташланади. Аввало дарвоза устидаги равоқ Ўрта Осиё биноларига хос бўлмаган шаклда ишланган,

ён қисмлари сирланган тўқ қизил, кўк-гунафша ва ҳова ранг сополлар билан қопланган. Анъанавий ана шу сиркор (бирок ранги айнаган) парчинлар билан бирга Россиядан келтирилган ва печкалар устига қоплаш учун ишлатиладиган кафель қопламалардан ҳам фойдаланилган.

Ситораи Моҳи Хоса боғининг режаси диққатга сазовордир. Саройнинг барча бинолари боғ ичида жойлашганлигига қарамай, боғнинг режаси мустақил деса бўлади. Афтидан, боғ-сарой бинолари қурилмасидан олдин барпо қилинган боғ Темур ва темурийлар давридаги Самарқанд боғларига ўхшаш анъанавий чорбоғлар шаклида режаланган. Боғ саҳни бир-бирига перпендикуляр кетган йўлкалар билан тўртта тўғри бурчакли майдончаларга бўлинган. Шунга кўра у чорбоғ дейилади.



Бухоро. Ситораи Моҳи хосса. Умумий кўриниш.


III – боб. Дала саройлари. (XVIII - XX аср боши)

3.1.Нурилла бой саройи

Хива хонлари XVIII асрдан XX асргача бир қанча саройлар, қабулхоналар, харамлар курдириб, ўзларининг нималарга қодир эканликларини гўё авлодларга таъкидлаб кўрсатаётгандай туюлади.

Хивадаги Нуруллабой саройи энг ҳашаматли, энг жозибали, энг кўркем ва маафтункорлиги билан бошқа саройлардан ажралиб туради. Ичанқалъада иморатлар сони кўпайиб, янги-янги боғ-роғли жойлар қуриш имкони камайгач, Муҳаммад Раҳимхон I ўз ўғиллари Маҳмуд тўра, Муҳаммад тўраларга шаҳарнинг ғарбий томонидан ҳовли-жойлар қуриб беради. Сайид Муҳаммад тўра хон бўлгач, (1856 й) эса бу уйларга яқин жойда бир кўринишхона қурилишини вазири Хасанмурод Қушбегига топширади. Баёний ва Огаҳийларнинг ёзишича, “Нуруллабой” номи билан машҳур боғдаги янги иморатларнинг кунчиқар томонига қурилган бу кўринишхона жуда чиройли бўлиб, унга Огаҳий шундай таъриф айтган: - “Кўринишхона у вало” (улуғ кўринишхона) ушбу сўзлардан абжад ҳисоби бўйича ҳижрий 1276, милодий 1859 йиллар топилди. Ўз даврида кўринишхонада ёз пайтида очик ҳавода қабул маросимлари ўтказилган. Сайид Муҳаммадхондан кейин тахтга кўтарилган ўғли Муҳаммад Раҳимхон 11 (1864-1910) хивалик савдогар бой Нуруллабойдан боғни сотиб олади. Келишувга кўра боғнинг “Нуруллабой” номи сақланиб қолади. Мазкур даврда Хоразм меъморчилигининг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, биноларнинг пешайвонидаги устунларга одатдан ташқари гўзал ва чиройли нақшлар ишланган бўлиб, бундан санъат намуналарининг энг гўзалини ёғоч эшикларда, ёғоч устунларда кўришимиз мумкин. Хива усталари ёғочга гул ўйиб ишлаш санъатида тенги йўқ маҳорат кўрсатганлар.

Пахса деворнинг энг яхши намуналарини Хивадаги ҳовлиларда, шунингдек Рафонак, Нуриллабой, Тозабоғ деб аталган шаҳар атрофидаги сарой-ҳовлиларда учратиш мумкин.



Нуриллубой дала саройи (Дешан калъа)

- 1) Сарой. 2) Боғ. 3) Арз хона.
 4) Асфандиярхоннинг Кўриниш хонаси.
 5) Мадраса. 6) Турар жой биноси

Хива Дишон қаъласида ҳам Рафонак, Қибла тоза боғ, Нуриллубой саройи каби бир неча қасрлар бўлган. Шуларнинг энг яхши сақланган ва маҳобатлиси Нуриллубой саройи ҳисобланади. Бу саройни Муҳаммад Раҳимхон II Феруз таҳаллуси билан шеърлар ҳам ёзган ўз ўғли Исфандиёрхон учун солдирган. Бу ички сарой 1896-1904 йилларда қурилган бўлиб, юздан зиёд хоналар, долонхона, қоровулхона, отхона, мулозимлар турадиган хоналар ва харамдан иборат бўлган. Саройга жануб томонда қурилган махсус 10 метрли дарвоза орқали кирилган. Дарвоза ичкарасида хон маҳкамаси, шахсий кўрикчилар учун хоналар, девонхона бунёд қилинган. Саройдаги Исфандиёр тўра учун мўлжалланган хоналарга Россиядан келтирилган чинни печкалар ўрнатилган. Дарвоза пештоқи пишиқ ғиштдан ҳар хил шакллар бериб ишланган. Унинг икки томони мовий гумбазчали гулдасталар билан мустаҳкамланган. Гулдаста

бўйлаб кошинлардан белбоғ тарзли нақшин ҳалқалар қилинган. Дарвоза усти пештоқи учта очик равоқ ва устига ишланган кунгура билан тугалланади.

Сарой деворларига ҳам йирикрок кунгуралар ишланган. Нуриллабой саройининг умумий саҳни 185,6x143 метр. Шундан 27,3x32,1 метрни эгалланган қисми қабулхона, 82x71 метр саҳни арзхона ташкил этади. Саройининг шимолида атрофи девор билан ўраб олинган ҳовузли боғ бўлган. Арзхона саройининг асосий биноларидага ёндош ҳолда шимол ва ғарбга қарата тирсаксимон йўналишда солинган бўлса, кўринишхона алоҳида павильон сифатида унинг шимолроғида қад кўтариб турибди. Қаср жанубида мадраса ва алоҳида солинган тураржой бинолари бор. Қасрнинг ички икки ҳовлиси қатор устунли пешайвонлар билан ўралган. Бу иншоот пишиқ ғишт ва синч кўшиб ишлатилган иморатлар намунаси ҳисобланади.


Феруз вафотидан сўнг тахтга чиққан Исфандиёрхон (1910-1918) ўзи учун янги услубдаги Нуруллабой саройини қурдириб, бу боғдаги қурилишларга нуқта қўяди. Янги қурилган қабулхона чет эллик меҳмонларни қабул қилиш мақсадида қурилган. 1911-13 йилларда қурилган бу қабулхона учун алоҳида пишган ғиштлар тайёрланган. Ғиштнинг лойи шаҳар ёнидаги Аваз Дунак қишлоғидан келтирилиб, махсус ишлангандан кейин 4та хумбузда пиширилган. Саройнинг томи юпқа темир листлар билан соябон шаклида бостирилган. Сарой етти хонадан иборат бўлиб, эшик, дераза ва паркет полларини оқмачитлик немис усталари тузатишган. (Оқмачит Хивадан 15 км шарқда жойлашган қишлоқнинг номи) Қабудхона хоналари ички безаклари билан бири-биридан фарқ қилади. Девор ва шифтда ганч ўйма ишлари бажарилагн. Ганчдан нақш ўйилган деворларга мой бўёқлар билан ранг берилган.. Шифтлардаги Европа усулида ясалган гуллар ва фаришталар расмини ясашга хоннинг вазири, қайнотаси Ислон Хўжа рухсат берган.

Меҳмонхонанинг иккинчи хонаси зиёфат учун ажратилган бўлиб, ўлчамлари 8x14 м, баландлиги 6м, тўртинчи хонада хоннинг қабулхонаси жойлашган бўлиб, бу ерда ҳар хил шартномалар имзоланган. Саккиз бурчакли юмалоқ зал деб юритилган бу хонанинг ўлчамлари 10 м, баландлиги 7 метрдир.

Хон даврида бу хонанинг ҳар бурчагида биттадан 1,5х3 метрли кўзгу қўйилган. Бу хонанинг шифти ёғочдан ишланган бўлиб, ниҳоятда усталик билан нафис геометрик шакллар ясалган ва олтин суви бериб ишланган. Шифтнинг пастидан деворларга ўрнатилган тўлқинсимон карнизлар Россиядан махсус қоғозларга ўралиб келтирилган. Олтинчи хона шифтининг ўртасига ганч ўймакорлиги усталари томонидан мусулмонлар символи- ярим ой ва юлдузлар нақши туширилган. Рус усталари хона шифтининг тўрт томонига биттадан фаришталар расмини ой бўёқлар билан яшашган. Бунинг натижасида бир хонанинг ўзида ҳам мусулмон, ҳам христиан динига мансуб белгилар пайдо бўлган. Меҳмонхонанинг етинчи хонаси шифтига товус патининг гуллари чиройли қилиб ясалган ва ҳар хил рангдаги қимматбаҳо тошлар ўрнатилган. Саройнинг қиздирилиши учун Россиядан чинни печкалар келтирилган. Қандиллар катта ва оғир бўлганлиги сабабли сарой томида махсус ёғоч қурилмалар ишланган. Хивадаги биринчи электр лампочкасини Волга бўйидаги Сизань шаҳридан чиқарилган. Бинода инқилобдан кейин ҳукумат уйи, бошқарув органлари жойлашган. Кейинги даврларда маориф уйи ва музей биноси сифатида фойдаланилагн. Ҳозирда сарой қайта таъмирланиб, асл ҳолига келтирилган.

3.2. Қибла тоза боғ саройи

Ҳар бир Хива хони ўз даврида дунёда тенгсиз бир сарой ёки кўшк қуришга ҳаракат қилган. Хива саройлари ва қасрлари орасида энг машхурларидан бири Муҳаммад Раҳимхон (Феруз) томонидан 1897 йилда қурилган Қибла Тоза боғ саройидир. Сарой ўзининг кенглиги, меъморий услуби, Хивага хос айвонларнинг турли-туманлиги, қурилиш техникасининг бетакрорлиги билан ажралиб туради. Комплекс 0,5 гектарли алоҳида жойлашган ерда қурилган, Сарой учта катта комплексдан иборат: биринчи ҳовли хон ва сарой аҳли хизматкорлар учун, иккинчи ҳовлида хон ва унинг оила аъзолари яшайдиган бир неча айвон, учинчи ҳовли- оврупача услубда қурилган айвон ва хоналардан иборат. Исфандиёрхон даврининг илк йилларида (1913 й) қурилган ушбу учинчи ҳовли худди 1912 йилда



Дала саройи (Дешан калъа)

Қубла-тоза-боғ

Нуруллабойда қурилган қабулхонага ўхшатиб қурилган., лекин бу ерда усталар кўпроқ гирех нақшларни ишлатганлар. Қадимда сарой ўртасида ҳовуз, гулзор мавжуд бўлиб, ҳовуз атрофига сояси киши танига ором бағишлайдиган гужум дарахтлари экилган. Саройнинг атрофида ёзги ва қишки масжид, мадраса, мактаб, отхона, тегирмон бўлган. Саройнинг гир атрофи боғ билан ўраб олинган. Бу ерда Хивадаги Кўҳна Арк ва Тош ховлидаги каби қурилиш лойиҳалаш ишлари божарилган.

Пештоқ тарзи кук ва ок гишт мозаикалар билан безатилган, шунга ухшаш безаклар Хивада почта ва болница биноларида ҳам қулланилган. Унинг плафон қисми бетакрор халқ санъати анъаналарига риоя қилинган ҳолда безатилган. Сарой заллари интерьерлари Хивадаги Нуруллабой қабулхонаси каби тилла суви юритилган ганч уймакорлиги билан безатилган.

Ўз даврида ушбу саройда таъмирлаш ишлари олиб борилган. Ҳозирги кунларда сарой чет эллик меҳмонларнинг севиб томоша қиладиган ва овақтланадиган жойига айланган.

2.3. ЧОДР ХОВЛИ (XVIII-XIX аср). Хива тумани

Ўрта Осиё узининг маданий, меъморий ёдгорликлари билан дунёга донг таратган улка ҳисобланади. Шу жумладан, республикада утмишда қурилган маънавий обидалар ҳозирги кунда ҳам халқимизнинг минг йиллик маданий йилномаси сифатида қад тиклаб турибди. Булардан Хивадаги қатор тарихий обидалар шулар жумласидандир. Қадимги даврдаги бинокорлар нафакатгина узининг бой тажрибасига асосланиб иморатларни лойиҳалаган, балки, меъморчиликни уша даврда мавжуд назарий ғояларга суяниб, иш олиб борганлар. Демак, тарихий ёдгорликлар узининг юксак бадиийлиги билангина эмас, муҳандислик нуқтаи назаридан мукамаллиги билан ҳам кишини хайратга солади.

Ушбу мақолада Хоразм меъморчилигидаги ўрта кават биноларининг конструктив хусусиятлари ва ашёлари ҳақида маълумотлар берилади.



Дала саройи (Дешан калъа)

Чодра ховли

Кадимда шаҳардан ташкаридаги ҳокимлар саройлар, уйлар курганлар. Бундай иморатлар қурилишда асосан пахсадан, айрим ҳолларда эса, йирик хом ғриштдан фойдаланганлар. Мисол тариқасида XV аерда Хивада қурилган турт қаватли «Чодра Ховли» дам олиш уйини келтириш мумкин.

Бинонинг режадаги улчамлари 16х8м, умумий баландлиги 30 метргача бўлган. Биринчи қаватдаги пахсанинг эни - 80см, туртинчи қаватдаги синч девор қалинлиги -40см. Бинонинг биринчи қаватида отхона ва омборхона, 2,3 қаватларида дам олиш ва лоджия қуринишидаги ҳоналардан ташкил топган. Лойли ғрунтлар нафакат қуруқ ва иссик. иқлимли жойларда (Африка, Осиё, Америка) қурилиш ашёси сифатида қулланилган, балки салкин ва ёгингарчилик буладиган жойларда ҳам қулланилган.

Аждодларимиз ўрта қаватли бино қурилишида зилзилабардошликни таъминловчи антисейсмик чора-тадбирлар ишлаб чиққанлар. Бунда қават баландлигини бино баландлиги ошган сари камайтириб боришга эътибор

берганлар. Агар бино баландлиги бир жойда баланд, иккинчи жойда паст булса, зилзила жараёнида турлича давр билан тебранади ҳамда баландлиги узгарган жойда иморат жиддий шикастланади. Умуман, иморат баландлиги канча паст булса, унинг сейсмик мустахкамлиги шунча юкори бўлади. «Камтарга камол, манманга завол» деганларидек, иморат канча камтарона яъни, ихчам булса шунча умри бокий ва зилзилага бардошли булади дейилади. Шунинг учун, бу тадқиқ қилинаётган бинода мана шу тарафларга эътибор қаратилган бўлиб, бино минора шаклида қурилган ва бундай қурилишдаги иморатларда зилзилабардошлик ошади.

Имортанинг сейсмик мустахкамлиги маълум даражада унинг юкори қисмини кандай ҳам қилинишига боғлиқ. Ташқи деворни томдан баланд қутармасликка ҳамаракат қилиш керак. Агар архитектура нуқтаи назардан ташқи деворни бироз қутариш лозим булса, у ҳолда деворнинг бу қисмини енгил вариантда тиклаш зарур. «Чодра Ховли»ни 3,4 қаватлари синчли қилинган бўлиб, 4 қават «Т» шаклида берилгани бунинг таъсиридир. Иморатни конструктив элементлари фақат вертикаль юкнигина эмас, балки, горизонталь юкни яъни, шамол ва зилзила кучни ҳам қабул қилади. Шунинг учун бу иморатда бикрлик ва турғунликни, девордаги синч ва том ёпмалар ҳосил қилган.

Хоразм меъморчилигида табиат ва иқлим шароит жуда қадим замонлардан бошлаб инобатга олиниб келинган. Бу омиллар яшаш учун ҳам қулайлик яратишга ва иморатни табиий офатдан сақлашга имкон берган.

«Чодра Ховли» баланд айвончалари ёзнинг жазирама иссигида ҳам салқинликни сақлаган. Хоразм меъморчилигида «Чодра Ховли» томига вассалар устида буйра ёки қамиш тупроқ тўқилган, кейин сомонли сувоқ қилинган. Қамиш ва шунга ўхшаш ашёлар, қадимги меъморчиликда иссиқлик химояловчиси сифатида ишлатилган. Хулоса қилиб айтганда, Хоразм меъморчилигида ўрта қават биноларидан «Чодра Ховли» ҳозирги амалдаги қурилиш меъёрлари ва қоидалари асосида қурилган.

Чодра ховли Хива хонларининг шаҳар ташқарисидаги саройларидан бири ҳисобланади. Унинг қайси хонга тегишлилиги номаълум.

Чодира ховли - пахсадан тўғри тўртбурчак шаклида тепага қараб қисқариб қурилган турт қаватли иморат. Биринчи қаватида оддий баландликдаги икки хона омбор хона ва отхона бор, пахса зина билан тепага чиқиш жойи бўлган. Ёнлари бир бири билан қушилмаган. Иккинчи ва учинчи қаватларда бита хона ва айвондан иборат яшаш хоналари бўлган. Иккинчи қават айвонининг атрофи урулган, олд қисмида биринчи қават томи унга терасса ролини бажаради. Учинчи қават айвони икки тарафдан ёпик бўлиб унинг майдони иккинчи қават айвони майдони билан тенг. Хамма хоналарда пастда жойлашган тўғри тўртбурчакли деразалар қесиб чиқилган. Иккинчи, учинчи ва туртинчи қаватлар бир-бири билан айвон томидаги туйнуқлар орқали нарвон ёрдамида боғланган. Туртинчи қаватда эса, қундаланг тусик билан бўлинган ва жанубга қаратилган иккита айвон бўлиб, улар шимол тарафдан умумий деворга такалган.

Юқорига баралла қутарилган ва тенг пропорцияларга эга бу иншоот айнан Хоразм типига мансуб. Уй пахса блокларидан қурилган. Қирқим, ички ва ташқи деворлари ганч билан сувалган. Фасаднинг ягона қурки- айвонлардаги устунлар тираб турувчи ёғоч уймақорлиги билан ишланган қошлар. Ганч шувоклари нураб кетган жойларда пахса девори қурилиб турибди. Чодр ховлининг аниқ қайси йилда қурилганлиги номалум. У 200-280 ва 940 йил аввал қурилган деган маълумот бор. Хажмлари: тархда 16,5 x 7,65м; баландлиги - 30 м.гача.

3-боб бўйича хулоса

Хива обидаларининг кўпчилиги асосан кейинги асрларда бунёд этилганлиги уларнинг нисбатан яхши сақланиши сабабларидан биридир. Бу обидаларнинг қурилишида бинолар жойлаштирилишини кўриб чиқиш жараёнида меъморчилик соҳаси нихоятда серқирра эканлигининг гувоҳи бўлиши мумкин.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан, аниқроғи 1873 йилда тарихий воқеа юз беради. Хива хонлиги Чор Россиясига қўшиб олинади. Шу сабабли мамлакатнинг фақат сиёсий эмас, иқтисодий ҳаётида ҳам катта ўзгаришлар юз беради. Буларнинг ҳаммаси қурилиш ва меъморчиликда ҳам акс этади. Саройлар, почта, касалхоналар қурилади. Бу иншоотлар меъморчилигида Европа меъморчилиги элементлари пайдо бўлади.

Шундай ёдгорликлар қаторига ўша даврда бунёд этилган сарой ва қасрларни киритиш мумкин. Сарой ва қасрлар меъморчилиги жуда ранг-барангдир. Бу хусусда фикр юритилар экан, энг қадимий обидалардан бири ҳисобланган Кўҳна Аркнинг барпо этилиши хусусиятларини алоҳида таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур даврда Хоразм меъморчилигининг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, биноларнинг пешайвонидаги устунларга одатдан ташқари гўзал ва чиройли нақшлар ишланган бўлиб, бундан санъат намуналарининг энг гўзалини ёғоч эшикларда, ёғоч устунларда кўришимиз мумкин. Хива усталари ёғочга гул ўйиб ишлаш санъатида тенги йўқ маҳорат кўрсатганлар.

Иморатларни қалин пахсадан қуриш жуда қулай бўлиб, Хоразмда бу усул қадим-қадим вақтлардан бери машҳурдир. Шу сабабли ҳам хоразмлик бинокорлар пахсачи уста сифатида дунёга танилгани ажабланарли эмас.

Пахса деворнинг энг яхши намуналарини Хивадаги ҳовлиларда, шунингдек Рафонак, Нуриллабой, Тозабоғ деб аталган шаҳар атрофидаги сарой-ҳовлиларда учратиш мумкин.

Хива Дишон қаъласида ҳам Рафонак, Қибла тоза боғ, Нуриллабой саройи каби бир неча қасрлар бўлган. Шуларнинг энг яхши сақланган ва маҳобатлиси

Нуриллабой саройи ҳисобланади. Бу саройни Муҳаммад Раҳимхон II Феруз тахаллуси билан шеърлар ҳам ёзган ўз ўғли Исфандиёрхон учун солдирган. Саройга жануб томондан баландлиги 10 метрли дарвоза орқали кирилади. Дарвоза пештоқи пишиқ ғишдан ҳар хил шакллар бериб ишланган. Унинг икки томони мовий гумбазчали гулдасталар билан мустаҳкамланган. Гулдаста бўйлаб кошинлар белбоғ тарзли нақшин ҳалқалар қилинган. Дарвоза усти пештоқи учта очик равоқ ва устига ишланган кунгура билан тугалланади.

Сарой деворларига ҳам йирикрок кунгуралар ишланган. Нуриллабой саройининг умумий саҳни 185,6x143 метр. Шундан 27,3x32,1 метрни эгалланган қисми қабулхона, 82x71 метр саҳни арзхона ташкил этади. Саройининг шимолида атрофи девор билан ўраб олинган ҳовузли боғ бўлган. Арзхона саройининг асосий биноларидага ёндош ҳолда шимол ва ғарбга қарата тирсаксимон йўналишда солинган бўлса, кўринишхона алоҳида павильон сифатида унинг шимолроғида қад кўтариб турибди. Қаср жанубида мадраса ва алоҳида солинган тураржой бинолари бор. Қасрнинг ички икки ҳовлиси қатор устунли пешайвонлар билан ўралган. Бу иншоот пишиқ ғишт ва синч кўшиб ишлатилган иморатлар намунаси ҳисобланади.

Ичан қалъанинг жануби-ғарбидан 5 км масофада жойлашган Тозабоғ сарой мажмуаси юқорида таъриф берилган саройлар жумласига киради. Мажмуа учту ўзаро боғланган ҳовли ва хўжалик қурилишларидан ташкил топган. Тўғри бурчак шаклидаги ҳовлилар анъанавий ўймакор устунли хон айвонлари билан ўралган.

Қарияларнинг айтишича, дала саройининг атрофида каттагина анжир, олма, узумли мевали боғ бўлган. Бу боғнинг маълум қисми ҳозирги кунгача сақланган. Боғнинг каттагина қисми бузилиб, ерлар пахта экиш учун берилган.

Манбалардан маълум бўлишича, сарой мажмуасида иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳарбий, ўқув корпуси, урушнинг кейинги йилларида мажмуада қишлоқ хўжалик техникуми жойлашган. Кейинги йилларда бу ерда Хоразм таъмир лойиҳа устахонаси фаолият юритган. Тоза боғ дала саройи

мажмуаси катта қизиқиш уйғотади ва ўтмиш меъморчилик мероси ҳисобланади.

Хулоса

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки йиллар мобайнида вилоятдаги бу тарихий ва маданий бойликларни сақлаш ҳамда наомйиш этиш юзасидан охириги юз йил мобайнида қилинганидан кўпроқ иш амалга оширилди. Хиванинг 2500 йиллик тўйига қарата тарихий ёдгорликларнинг салмоқли қисми таъмирланди, кўпчилигида таъмирлаш ишлари давом эттириляпти. Таъмирлаш билан бир қаторда Ичанқалъа ҳудудида археологик қазишмалар олиб борилмоқда. Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, бу ерда топилаётган маданий қатламлар икки минг беш юз йилдан ҳам қадимийдир. Яқин 2-3 йил мобайнида Хива ва Урганч шаҳарларида сайёҳлар учун бир неча ўнлаб меҳмонхоналарни қуриш ва таъмирлаш, хизмат кўрсатишни жаҳон андозалари даражасига кўтариш кўзда тутиляпти.

Яқинда Урганч аэропорти халқаро талабларга мос равишда таъмирланиб, энг замонавий ҳаво лайнерлари қабул қилиш ва сайёҳларни йил мобайнида янги узилган мева-сабзавот, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб, уларга малакали хизмат қилиш йўлга қўйилади.

Тарихий ва меъморий ёдгорликларни яхши сақланиб қолган қадимий Хива шаҳрини бутун Хоразм тарихини ўзида мужассамлаштирган очик осмон остидаги музей –шаҳар десак муболаға бўлмайди. Ушбу шаҳарга келган ҳар бир сайёҳ нилий гумбазлар, осмонўпар миноралар орасида ўзини “Минг бир кеча” эртакларидаги мўъжизалар оламига киргандай ҳис қилади. Бу эски кўчалар киши ҳаёлини узоқ ўтмишга етаклайди. Нақшинкор бинолар, сержило гумбазлар гўзалликка ташна ҳар бир қалбни ўзига ром этади. Орадан қанча асрлар ўтсада, ўзининг асл қиёфасини йўқотмаган халқ меъморчилиги ёдгорликлари кишиларни ҳайратга солади, ўзининг бетакрорлиги билан мафтун этади. Бугунги кунда Хива шаҳри обидаларини

ер курраиснинг турли бурчакларидан келаётган сайёҳлар томоша қилмоқдалар.

Ушбу илмий ишда биз Хива меъморчилигининг айрим турга хос ёдгорликларинигина баҳоли қудрат ўрганиб чиқдик. Лекин Хивада сақланиб қолган меъморий ёдгорликлар юзасидан жуда кўплаб тадқиқот ишларини олиб бориш мумкин.

Архитектура доимо ўтмиш билан узлуксиз боғлиқ ҳолда янгиланаверади. Ўтмиш тажрибалари бўлғуси меъморлар авлодлари томонидан ўзлаштирилиб, узлуксиз равишда бойитиб борилади, кенг тарзда фойдаланилади. Хоразмнинг ҳозирги давр архитектурасида ҳам ўтган аср усталари қўллаган лойиҳалаш тамойиллари намоён бўлиб келмоқда.

Ҳозиги кунгача сақланиб қолган ёдгорликларни таъмирлаш, ёдгорликлар мажмуаларида муҳофаза зоналарини яратиш Хива шаҳрида кенг кўламда йўлга қўйилган. Таъмирлаш билан бир қаторда ҳозирги вақтда Ичанқалъа ҳудудида археологик қазилмалар олиб борилмоқда. Шуниншон билан айтиш мумкинки, бу ерда топилаётган маданий қатламлар икки минг беш юз йилдан ҳам қадимийдир. Кейинги даврларда Хоразм археология экспедициясининг шарофати билан фанга қадимги даврлар ҳаёт тарзи, анъаналари, ҳунармандчилиги, маданияти, қолаверса қурилиши ва меъморчилиги ҳақида маълумотлар тақдим этилди.

Хоразм Ўрта Осиёнинг тарихий вилояти, Амударё этагидаги қадимги давлат. Археологик қазилмалар натижасида олинган маълумотлар шаҳарнинг бундан ҳам қадимги тарихи тўғрисида ҳикоя қилади: ўрта асрларнинг охирларига оид бўлган қалъа девори остидан антик даврга тааллуқли бўлган иншоотларнинг қолдиқлари топилган. Бу материаллар шаҳар ёшини яна 1000 йилча уни тарих қаърига олиб киради.

Хоразм шаҳарсозликнинг шаклланган ва ривож топган қадимий ҳудудларидан биридир. Қўзалиқир, Қалъалиқир, Жонбоз қалъа, Акчахон қалъа, Хазорасп, Тупроққалъа ва бошқа сақланиб қолган ёдгорликлар бунга гувоҳлик беради. Қалъалар ичида қурилган қадимги саройлар тузилиши кейинги

даврларда, ўрта асрларда бунёд этилган мухташам саройлар қурилиши учун асос бўлиб, бир андоза сифатида хизмат қилган деса бўлади.

Умуман олганда қалъалар саройларининг қурилиши қалъаларнинг асосий кириш қисмларида қулай жойлаштирилган ва маҳобатли қурилган. Сарой қисми асосий қалъанинг яшаш жойлари, жамоат иншоотларидан баланд, бошқарув тизими учун қулай. Сарой ичига баланд кўтарилувчи йўлаклардан ўтилган. Сарой хоналари 50 ка яқин бўлиб, хоналар, уларнинг девори параллел қилиб қурилган. Хоналар бир-бири билан боғланган бўлиб, марказий қисмдан ҳамма хоналарга кириш мумкин бўлган. Археологик тадқиқотлар натижасида топилган ашёларига қараб хоналар турлича номланади. Масалан, “Подшо зали”, “Аскар зали”, “Ғалаба зали”, “Буғулар зали” ва бошқалар. Антик даврдаги энг кўзга кўринган ёдгорликлардан бўлган Тупроқалъадаги сарой шу даврда ўзининг маҳобатли кўриниши билан шаҳар силуетини белгилаб турган.

Хива XIV-XX асрларга оид Хоразм меъморчилигининг ўзига хос музейи ҳисобланади. Ичан қалъа ички шаҳар бўлиб, унда ажойиб монументал бинолар, ўша замоннинг мавж уриб турган меъморчилик санъати билан яратилган ажойиб бинолар ансамбли ўрин олган. Бу биноларнинг кўпчилиги пахса, ёғоч ва хом ғишдан қурилган.

Ичан қалъа меъморчилик ёдгорликларининг кўпчилиги XIX асрнинг биринчи ярмида қурилган. Кўҳна Арк ҳамда Тошҳовли сарой ансамбллари энг сўнгги меъморчилик обидалари ҳисобланади.

Хоразмнинг меъморчилик мактаби ўзига хос оригинал ва яхлит йўналиш касб этган. Қарийб ҳар бир меъморчилик ёдгорлиги – у хоҳ кичик бир детал ёки орнамент бўлсин, хоҳ бир ҳужрача бўлсин, хоҳ шаҳар ёки қишлоқдаги турар жой биноси бўлсин ёки ҳатто йирик меъморчилик объекти бўлсин, - барибир, уларнинг ҳар бири ягона бир бадиий услуб билан безатилган бўлиб, бу услуб XVIII-XIX асрларда яшаган Хоразм усталарининг ўзига хос маҳоратини кўрсатиб туради.

Қўнғирот сулоласининг пойтахти бўлган Хивада XIX асрнинг бошларида, нисбатан қисқа вақт ичида талайгина таъмирлаш ишлари олиб борилди: Ичан

қалъадаги Тошҳовли сарой комплекси қайтадан тикланди, эскириб, қулаб тушай деб қолган иморатлар ўрнига янги сарой қад кўтарди. Мана шу янги биноларда ҳам илгариги меъморчилик ансамблининг бадиий ифодали безаклари сақланиб қолинган. Хива шаҳри халқ меъморчилигининг ажойиб жавоҳирларини ўзида мужассам этган нодир архитектура комплексидан иборат. Ичан қалъа деб аталган шаҳар ичкарасида монументал иншоотлар ва бутун-бутун меъморчилик мажмуалари мавжуд бўлиб, улар ўзбек халқининг кўп асрлик меъморчилик анъаналарини акс эттиради.

Меъморчилик ансамбллари яхлитлигини сақлаб қолиш ғоят катта тарихий-маданий ва бадиий аҳамиятга моликдир. Шунинг учун ҳам Ичан қалъа Республика ҳукумати томонидан давлат музейи – меъморчилик қўриқхонаси деб эълон қилинган. Барча монументал ёдгорликлар, шунингдек шаҳар ичидаги бир қатор тарихий бинолар – ҳозирги Хиванинг энг қадимий тарихий обидалари эҳтиёт қилиниб, асраб-авайлаб сақланмоқда.

Ушбу илмий ишда биз Хива саройлари меъморчилигининг айрим турга хос ёдгорликларинингина баҳоли қудрат ўрганиб чиқдик, шу турдаги бошқа ёдгорликлар билан қиёсий таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Лекин Хивада сақланиб қолган меъморий ёдгорликлар юзасидан жуда кўплаб тадқиқот ишларини олиб бориш мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида.- Т.: 1995.
2. Каримов И.А., Ўзбекистон келажаги буюк давлат. -Т.: 1992.
3. Каримов И.А. “Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли”
Тошкент – 1998 й.
4. Абдуллаева З. Нуриллабой музейининг экскурсия тексти; қўлёзма.
5. Абдурасулов А. Хива. (Тарихий-этнографик очерклар).-Т.: 1997.
6. Аҳмедов М.Қ., Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи.-Т.:1995.
7. Аҳмедов М.К. Пути формирования средневековых ансамблей Средней Азии и некоторые вопросы включения их в современную застройку. дисс... канд. архитектуры.- Т.: 1982.
8. Булатов В.А., Ноткин И.И. Хиванинг архитектура ёдгорликлари. - Т.: 1963.
9. Бутаков А.И. Несколько страниц из истории Хивы. // ТВ.: №28. 1871.
10. Всеобщая история архитектуры. Т. VIII, Архитектура стран Средиземноморья, Африки и Азии VI-XIX вв.- М.: 1969.
11. Гулямов Я. Памятники города Хивы. – Т.: 1941.
12. Жабборов И. Кўҳна харобалар сири.-Т.: 1961.
13. Зоҳидов П.Ш. Меъмор олами.- Т.: 1996.
14. Зоҳидов П.Ш. Зеб ичра зийнат. Т.: 1985.
15. Зоҳидов П.Ш., Аванесов Р.Х. Хива. Тошкент – 1994 й.
“Ўзбекситон” нашриёти.
16. Исскуство зодчих Узбекистана.- 1969.: вып. IV.
17. История Хорезма в древнейших времен до настоящих дней.- Т.: 1976.
18. Лавров В.А. Градостроительная культура Средней Азии. М.: 1950.

19. Маньковская Л. Булатова В. Памятники зодчества Хорезма. -Т.: 1978.
20. Маньковская Л.Ю. Типологические основы зодчества Средней Азии. - Т.: 1980.
21. Матниёзов М. Хоразм тарихи.- Урганч.: 1997.
22. Ноткин И.И. Минареты Хивы.- Т.: 1978.
23. Пилявский В. Ургенч и Миздахкан.- М.:1948.
24. Пугаченкова Г.А. Термиз, Шахрисабз, Хива.-М.: 1976.
25. Пугаченкова Г.А., Ремпель А.И. Выдающиеся памятники архитектуры Узбекистана. -Т.: 1958.
26. Пўлатов Х.Ш. Архитектура ва шаҳарсозлик тарихи. Ўрта Осиё архитектураси тарихи.- ТАҚИ.: 2000.
27. Рейимбаев Ш.С. Хоразм шаҳарларининг XIX аср охири - XX аср бошларидаги архитектуравий-тархй тизими. / Номзодлик диссертацияси. Т.: 2005 й.
28. Саваленская Т.Ф. История градостроительного искусства.- М.: 1984.
29. Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб.- Т.: 1964.
30. Шажараи хоразмшоший. // қўлёзма. 1914.
31. Якубовский А.Ю. Развалины Ургенча. –Т. 6 в. 2. Л.: 1930.
32. Якубовский А.Ю. Городище Мизахкан. // ЭКВ. Т. V. Л.: 1930.
33. Ўзбек Совет энциклопедияси.
34. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. III-жилд.-Т.: 2002.
35. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. VI-жилд.-Т.: 2003.
36. Фуломов Я. Хоразмнинг суғорилиш тарихи.-Т.: 1959.
37. Google Earth. 2007 Digital Globe